

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658.1**

МИРЗАЕВ НИЗОМИДДИН АБДИВАИТОВИЧ

**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИНИ
АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230902-“Аудит (тармоқлар бўйича)”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: О.Машарипов

ТОШКЕНТ – 2014

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида
бажарилган.

Илмий раҳбар

и.ф.н., доцент О.Машарипов

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент И.Қўзиев

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг назарий асослари	8
1.1. Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ривожланишида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг аҳамияти	8
1.2. Рейтинг тизими асосида баҳолашнинг моҳияти, зарурлиги ва мақсади.	29
I боб бўйича хулоса	34
II боб. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг ҳозирги амалиёти.	36
2.1. Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда рейтинг тизимини қўллашнинг ташкилий асослари	36
2.2. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашда баҳолаш мезонларини қўллаш.	45
2.3. Аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш ва табақалаштириш жараёни.	48
II боб бўйича хулоса	56
III боб. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашни такомиллаштириш.	58
3.1. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг хорижий тажрибаси.	58
3.2. Профessional хизматларнинг аудиторлик ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларини оширишдаги ўрни.	69
III боб бўйича хулоса	79
Хулоса.	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	85
Иловалар.	92

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш – замон талабидир. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторида муносиб ўрин эгаллаш, миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатдошлигини таъминлаш, шу асосда экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш мавжуд соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида модернизациялашни тақозо этади. Айни пайтда, жаҳон бозоридаги эҳтиёж ва талабнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётимиз таркибий тузилмасини такомиллаштириб бориш, бу мақсадда янги, замонавий тармоқларни барпо этиш ва жадал ривожлантириш лозим бўлади.

Давлатнинг ислохотлар дастури қисқа муддат ичида макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлашувига, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ортишига, инфляция даражаси пасайишига, ҳаётий муҳим масалалар турлари бўйича иқтисодий мустақилликка эришишга имкон берди. Макроиқтисодий мувозанатни барқарорлаштириш йўлини изчиллик билан амалга ошириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш, реал секторга инвестицияларни киритиш имконини берди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов сўз юритар экан, шундай дейди: «Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир»¹, деб таъкидладилар.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш натижасида бизнесни муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам берадиган,

¹ Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 13-бет.

хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг ишончлиги тўғрисида хулоса берадиган, ҳисоботларни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ ва бошқа турлардаги амалий ёрдам кўрсатадиган профессионал хизматнинг янги шакли – аудиторлик фаолиятига эҳтиёж кучаймоқда. Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш эса кўп жиҳатдан назарий, ҳуқуқий-меёрий, амалий ташкил этиш жиҳатларини илмий асосланган ҳолда такомиллаштиришга боғлиқ. Бу борада сўнги йилларда аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича катор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини ишончилигини тасдиқлаш, уларни таҳлил этиш, хўжалик фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик хизматларига бўлган талабини ва ишончини ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, аудиторлик ташкилотларининг иқтисодиётдаги аҳамиятини оширишда уларнинг рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш орқали уларнинг молиявий ҳолати, тўловга лаёқатлилиқ даражаси ва келгусидаги ривожланиш тенденциясини олдиндан айтиш мумкин бўлади. Бу борадаги муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар З.Аххель, В.Беренс, Ю. Богатин, Н. Брук, М. Джонк, Н.Игошин, В.Ковалев, Б.Нидлз, В.Палий, Дж.Фостер, Ч.Хорнгрен, В.Швандар, А.Шеремет, Р.Энтонилар катта ҳисса қўшганлар. Республикамиз иқтисодчи олимларидан Р.Дўстмуратов, А.Ибрагимов, А.Каримов, М.Пардаев,

З.Маматов, О.Машарипов, М.Тўлахўжаева, Ш.Хайдаров, Б.Хамдамов ва бошқаларнинг ишларида кенг ўрин олган.

Бироқ ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аудиторлик ташкилотларининг рейтинггини аниқлаш борасидаги муаммоларни тўлиғича ҳал қилиб бера олмади. Чунки уларнинг илмий ишларида аудиторлик ташкилотлари рейтинггини аниқлашнинг концептуал асослари тўлиқ очиб берилмаган ҳамда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш йўналишлари тўлиқ белгилаб берилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади аудиторлик ташкилотлари рейтинггини аниқлашнинг услубий асосларини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштиришдан иборат. Шу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ривожланишида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг аҳамиятини ёритиб бериш;
- рейтинг тизими асосида баҳолашнинг моҳияти ва зарурлигини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда рейтинг тизимини қўллашнинг ташкилий асосларини белгилаш;
- аудиторлик ташкилотлари рейтинггини аниқлашда баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш ва табақалаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- аудиторлик ташкилотлари рейтинггини аниқлашнинг хорижий тажрибасини ўрганган ҳолда, ижобий тажрибалардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;
- аудиторлик ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларини оширишда профессионал хизматларни кенгайтириш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқот предмети бўлиб, аудиторлик ташкилотлари рейтинггини аниқлашнинг услубий асосларини тадқиқ этиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти қилиб, «Аудит-рейтинг» ташкилотининг маълумотлари олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқлари ва мақолаларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга оид масалалари бўйича баён этган хулосаларидан муҳим манба сифатида фойдаланилди. Бундан ташқари илмий ишда асос бўлиб, аудиторлик ташкилотларининг рейтинггини аниқлаш бўйича республикаимизнинг қонуний-меъёрий ҳужжатлари, Молия Вазирлиги низом ва йўриқномалари, шунингдек, мамлакатимиз етакчи олимлари ва мутахассисларининг ушбу муаммога оид илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ривожланишида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг аҳамияти ёритиб берилди;
- рейтинг тизими асосида баҳолашнинг моҳияти ва зарурлиги тадқиқ қилинди;
- Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда рейтинг тизимини қўллашнинг ташкилий асослари белгиланди;
- аудиторлик ташкилотлари рейтинггини аниқлашда баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш ва табақалаштириш бўйича тавсиялар берилди;

- аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг хорижий тажрибасини ўрганган ҳолда, ижобий тажрибалардан фойдаланиш йўналишлари белгиланди;

- аудиторлик ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларини оширишда профессионал хизматларни кенгайтириш бўйича таклифлар берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлашни халқаро талаблар асосида ташкил этилишига имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертация иши юзасидан 2013 йил 18 майда Тошкент молия институтида ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда молия тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари”га бағишланган магистрантларнинг XIII анъанавий илмий-амалий конференциясида “Аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш жараёни” ва 2014 йил 17 майда Тошкент молия институтида ўтказилган “Банк-молия тизимини янада ривожлантириш орқали инвестицион фаолликни кенгайтиришнинг истиқболли йўналишлари”га бағишланган магистрантларнинг XIV анъанавий илмий-амалий конференциясида «Аудиторлик ташкилоти рейтингини аниқлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўналишлари» номи мақолалари асосида маъруза қилинган ва конференция иштирокчилари томонидан ижобий баҳоланган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг назарий асослари

1.1. Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ривожланишида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг аҳамияти

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қамровли ислохотларнинг олиб борилишида аудиторлик текширувини олиб бориш, унинг шакли, усули ва услубларини танлашга, бошқарув тизими қарорлари ва молиявий ҳисоботлар текширув тизимини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Лекин, шунга карамай, аудитнинг ривожланишида ўзига хос муаммолар мавжуд, шу жумладан, ҳозирга қадар аудитни ташкил қилишнинг юридик ва услубий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва услубий таъминлаш ҳаддан ташқари марказлашган.

Мамлакатимизда аудиторлик институтининг шаклланиш жараёни кечмоқда. Шу соҳасининг қонунчилик базаси, аудиторлик хизматлари сифатининг ички назорати тизими, аудиторларни тайёрлаш, сертификатлаштириш ва уларнинг малакасини ошириш тизими такомиллашиб бормоқда.

Фойдаланувчиларнинг аудитга бўлган талаблари ошиб, ана шу ички аудиторлик хизматлари бозорида рақобат кучаяётганлиги аудиторлик текширувлари сифати оширилишини тақозо қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилотига ишончи даражаси субъект манфаатлари қаноатлантирилишига, хусусан аудитор субъектга йўл қўйган хатоларини аниқлашда қандай ёрдам берганлигига, аудиторнинг маслаҳатлари ҳисоб юритиш тизимини қанчалик яхшилаганлиги ва таҳдид-у таваккалчиликларни камайтирганлигига, хўжалик юритувчи субъектни ривожлантириш истиқболлари хусусидаги аудитор баҳоси чамаланган молиявий ахборотни текширишда қанчалик қўл келганлигига боғлиқдир. Фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот тўғрилиги хусусида аудитор билдирган фикрга ишончи даражаси аудиторнинг иши сифатига бевосита мутаносибдир.

Ушбу мақсадга эришишда ривожланган мамлакатлардаги аудит тизимининг ташкил қилиниши ва халқаро аудиторлик стандартларининг қўлланилишига алоҳида эътиборни қаратиш лозими. Халқаро аудиторлик стандартлари аудиторлик талабларини батафсил баён қилиши ва мисоллар келтириши билан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан фарқ қилади. Шу сабабли халқаро аудиторлик стандартларини ўрганиш сифатли ўтказилган аудиторлик текширувларининг кўпайишига ва жамоатчилик орасида аудитор касби нуфузининг ортишига кўмаклашади.

Маълумки, аудитни маълумотлар олиш базаси бўлиб бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади. Аудиторлар текшириш жараёнида текширишнинг махсус услубларидан фойдаланиб аудиторлик далиллар йиғади, молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аудиторлик ҳулосалари билан тасдиқлайди ва ҳисоб маълумотларини тўғрилашга ўзларининг таклифларини беради.

Мамлакатимизда кейинги пайтларда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) қабул қилинди. Ушбу Қонун аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг истиқболли ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Лекин унинг матни бир қанча жойларда Ўзбекистон Республикаси янги фуқаролик кодексига ҳар томонлама мос келмайди. Бундан ташқари лойиҳани ишлаб чиқариш чоғида жаҳон стандартларида эълон қилинган аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яхшилашга доир таклифлар ҳисобга олинганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ўзбек тилида аудит тўғрисида махсус адабиётлар нашр қилинмоқда ва аудитни ривожлантириш муаммоларига бағишланган дастлабки йирик илмий тадқиқотлар пайдо бўлди. Мавжуд қийинчиликларни тез ва тўғри бартараф этиш ҳозирги босқичда мамлакатнинг энг долзарб илмий-амалий вазифасидир. Лекин амалий фаолиятининг кенг соҳаси сифатида ҳам, шунингдек, илмий

тадқиқотлар соҳаси сифатида ҳам аудит учун оммабоп профессионал тилни ишлаб чиқиш жараёнида моҳияти жиҳатидан иккита катта қийинчилик пайдо бўлди.

1) Кўпинча қарама-қарши, маълум даражада мантиқсиз, изчил бўлмаган тавсифлар пайдо бўлмоқда, улар Республикамиз миллий андозаларига асосланган, лекин халқаро аудит тажрибасидан кескин фарқ қилади.

2) Ғарб махсус адабиёти таржималари тарқоқ ҳолда бўлиб, атамалар бир-бирига мос келмайди. Бу эса «Илғор» ғарб бозори технологиясини ўзлаштириш ва уни Мамлакатимиз шароитига мослаштиришни қийинлаштирмоқда.

Республикамизда иқтисодий назорат ва унинг иқтисодий субъектларини бошқариш тизимидаги ўрнига алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади. Назорат - бу бошқаришга доир вазифадир. Бошқаришнинг ҳар қандай тури назоратсиз бўлмайди. Айниқса капиталнинг ҳолатини жорий ва изчил назорат қилмай туриб, бухгалтерия ҳисобини текширмай ва таҳлил қилмай туриб капитални бошқаришни тасаввур қилиб бўлмайди².

Иқтисодий назоратни, шунингдек, унинг иқтисодий субъектларини бошқаришдаги ўрнини тадқиқ этиш хўжалик субъекти эҳтиёжларини акс эттиради. Унинг айрим йўналишлари алоҳида, жумладан, иқтисодий билимларнинг фундаментал элементлари сифатида шаклланади.

Назоратнинг умумий вазифаси, ўрни нимадан иборат? У озми-кўпми тўғри қарор қабул қилишга имкон берибгина қолмайди. Назорат бошқарилаётган объектлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини мунтазам аниқлашга, шу жумладан, хўжалик тизимидаги турли даражадаги қийинчиликларни ва тузилишларни аниқлашга ҳам имкон беради.

Махсус адабиётларда тизим ва тизимлаштириш тушунчаси турлича тавсифланган бўлиб, уларни ушбу диссертация доирасида таҳлил этиш

² Балабанов И.Т. Анализ и планирование финансов хозяйствующего субъекта. –М.: Финансы и статистика, 2004 г. 144 с. С 66.

мақсадга мувофиқ эмас. Умумий таърифлардан бирини келтирамиз: тизим-маълум қоидаларга ёки ўзаро алоқаларга мувофиқ бирлаштирилган ва яхлитликни ташкил қилувчи турли элементлар мажмуидир. Ушбу монография ишини бажариш дастури доирасида илмий тадқиқотларнинг мустақил соҳаси сифатида хўжалик тизимлари аудити тўғрисидаги масала кўйилган.

Ҳар қандай хўжалик тизими ҳаракатда бўлади. У ўз қонуниятлари ва зиддиятлари таъсирида, шунингдек, атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқлик натижасида ривожланади. Бухгалтерлар ва аудиторлар бу жараёнларни тасвирлашга, турли хўжалик тизимларининг тараққиёти натижаларига илмий асосда баҳо беришга узвий ёндошиш зарурлигини биринчи бўлиб англаб етган мутахассислардир. Бундай тизим иқтисодий субъект сифатида (аудиторлик фаолиятнинг миллий стандартларида киритилган тушунча) маълум даврда мулкдорлар олдида, шунингдек тизимга нисбатан ташқи муҳитда турувчи баъзи учинчи шахслар олдида ҳисоб беришга мажбурдир. Ахборот шов-шувини камайтириш учун бундай ҳисоботларни текшириш, уларни назорат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу саноатда, савдода, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, хуллас фаолиятининг ҳар қандай соҳасида зарурдир.

Бошқарув хўжалик тизими маъмурияти, ходимлари томонидан турли моддий, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўли билан иқтисодий субъект мақсадларига эришишга имкон беради: иқтисодиётда бошқарув-хўжалик тизими фаолиятига, яъни унда давом этаётган ишлаб чиқариш-тижорат жараёнларига мунтазам, онгли, маълум мақсадни кузлаб таъсир ўтказишдир.

Бошқарув ва назорат мутахассислари (жумладан, аудиторлар ҳам) бухгалтерия ҳисоби таҳлилга доир билимлар, инфор­мацион технологиялар билан қуролланиб, хўжалик тизими фаолиятининг турли вариантларини тадқиқ этадилар. Бу фаолият тизимининг ташқи муҳитга муносабатини кўрсатади ва у хўжалик тизимининг ички эмас, балки ташқи тавсифидир.

Шундай қилиб, тизим фаолиятининг тавсифи тизими амал қилиши ва ривожланишининг қатъий қайд этиладиган ҳамда вақти-вақти билан текшириладиган натижаларига, унинг ахборот ва ресурсларни қайта ишлаш, ўз фаолиятини ташкил этабилиш қобилятига асосланади. Аммо ҳисоб ва аудит усуллари нисбий тусда бўлиб, ахборот хатарини камайтиради, лекин бундай хатарни тўла бартараф этишга қодир эмас.

Хўжалик тизими раҳбари ва кузатувчисини қатъий фарқлай билиш керак. Бошқарув ва назоратда уларнинг ўрнини татқиқ этишда биз кўп ҳолларда улар кўпчилик бўлса ҳам биз бирликда-раҳбар, кузатувчи деб оламиз (кўпликда олинса, хўжалик тизимининг маъмурияти, ундаги аудиторлар жамоаси тўғрисида гапириш мумкин).

Бошқарувга доир қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш раҳбарнинг вазифасига киради. Кузатувчининг вазифасга эса, жумладан, хўжалик тизими қандай ишлаётганини баён қилиб бериш ёки тасдиқлаш киради. Шунинг ўзи мазкур тизим тараққиётининг ҳақиқий йўналиши устидан, раҳбарнинг қарорларини бажаришнинг объектив натижалари устидан, унинг ўз мақсадига эришиш даражаси, унинг ривожланиши ва уз фаолиятини ташкил қилиши устидан мустақил назоратдир.

Кузатувчи раҳбардан фарқли равишда, одатда ўз вазифасини тизим ичида эмас, балки тизимдан ташқари мавқеда туриб бажаради. Тарихий анъаналарга қараб уни турлича: мустақил таҳлилчи, ташқи аудитор, тафтишчи, ҳисоб комиссари ва шу каби номлар билан аташ мумкин.

Иқтисодий субъектнинг раҳбари қарор қабул қилиб ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб, ишлаб чиқариш-тижорат жараёнида фаол иштирок этади ва тизимни бошқарувчига айланади. Раҳбар нуқтаи назаридан ҳам, кузатувчи нуқтаи назаридан ҳам бошқарув объекти бошқариладиган тизим ҳисобланади. Умуман олганда улар (бошқарувчи тизим ва бошқариладиган тизим) бошқарув тизимини ташкил этади. Иқтисодиётда

уни мисол учун олганда хўжалик тизими, иқтисодий субъект деб ва бошқача аташ мумкин.

Хўжалик тизимлари техник тизимлардан катта фарқ қилади. Бу фарқлар уларнинг фаолияти натижаларига аудитор баҳосини беришда ғоят муҳим.

Ҳар қандай бошқарув тизимида муайян ахборот алоқа каналлари бўлиши шарт. Ахборот хатарининг маълум даражаси алоқа каналлари амал қилишининг ажралмас хусусияти ва оқибатидир. Бу хатар зарур ахборотни тўла ҳажмда бермаслик ёки бузиб беришдан иборат.

Бухгалтерия ҳисоботининг кўп қисми аслида ахборотдан иборат бўлиб, хўжалик тизими кириши ва чиқишида фаолият натижаларининг хилма-хиллигини кўрсатади. Худди шу сабабли бундай ҳисоботни, агар уни аудитор тасдиқлаган бўлса, мазкур тизимнинг ахборот хатаридан озми-кўпми ҳоли бўлган фаолият баёни деб қараш мумкин. Аудитор тасдиқламаган ҳисобот эса маъмурият (тизим бошқарувчиси) нинг ўзи тасдиқловчи ахборот, холос. Лекин маъмурият мустақил бўлмайди, шу сабабли у аввал бошданок хўжалик тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахбороти бўлиб кўрсатишга қодирдир. Ахборот объектив ёки субъектив сабаблар билан бузиб кўрсатилиши мумкин: маълум меъёрлар ва қоидаларни (иқтисодий-юридик, ҳисоб, амалиётга доир) билмаслик, суйиистеъмол ва меъёрдан чекиниш, шу хўжалик тизимининг бундан буёнги тараққиёти имкониятларни ортиқча баҳолаб юбориш каби сабаблар ахборот бузилишига олиб келиши мумкин. Назорат назарияси ва тажрибасига асосланиб, татқиқодчилар ва хўжалик ходимлари бундай хулосага келишмоқда: иқтисодий субъектларнинг ҳисоботи мустақил кузатувчи, аудитор томонидан тузилиши (буниси яхшироқ) ёки текширилиши лозим.

Одатда хўжалик тизимининг кириш ва чиқишини ҳажм ва миқдор кўрсаткичлари бўйича баҳолаш лозим (қийматига ёки натурага қараб). Тизим фаолияти кўп ҳолларда бошқарув тизими кириш ва чиқишдаги миқдор кўрсаткичлари ўртасидаги у ёки бу муносабатни белгилайдиган турли сифат

кўрсаткичларида (меҳнат унумдорлиги, фонд самараси, ўртача иш ҳақи, кўшилган капиталга дивидендлар даражаси, баланс бўйича коэффицентлар тизими ва бошқалар) ифодаланади.

Ахборот алоқалари бошқарув тизими ичида ҳам, ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларда ҳам одатда мураккаб ва хилма-хил бўлади.

Ахборот хатари даражасини камайтириш учун фаолият баённомаси (биз бухгалтерия ҳисоботини шартли равишда бундай баённомаси тенглаштиришга келишиб олдик)да объектив ахборот бўлиши муҳимдир. Ҳисобот бошқарувчи тизимда (иқтисодий субъектнинг маъмуриятида) тузилишини эътиборга олиб, бундай ахборотни мустақил кузатувчи (аудитор)нинг текшириши, назорат қилиши янада ишончлироқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида тилга олинган ва тадқиқ этилган ахборот алоқа каналлари ҳамма бошқарув тизимида ҳам бўлавермайди. Бунинг устига барча бошқарув тизимларини айрим ахборот алоқаси каналларининг мавжудлиги ёки йўқлигига қараб иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин:

(а) узилган бошқарув тизимлари ;

(б) туташ бошқарув тизими (уларда турли алоқа каналларидир, аммо аввало V алоқа каналида жамланган назорат вазифалари мавжуд).

Туташ бошқарув тизимлари узилган бошқарув тизимларига нисбатан анча мураккаб. Хусусан, хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар туташ бошқарув тизимига киради.

Хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар барча туташ бошқарув тизимлари орасида энг мураккаблиги билан ажралиб туради. Улар назоратсиз, чиқишнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотсиз ишлай олмайди.

Аудиторларнинг далолат вазифаси эса инвесторларга хатар даражасини анча камайтиришга ва шу асосда энг тўғри қарор қабул қилишга имкон беради.

Аудитнинг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги қўшимчанинг аҳамияти катта. Чунки маданиятли бозор аудитнинг асосий вазифасини бироз бошқача таърифлайди. Назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам аудитга:

а) мулкдорлар манфатларини ҳимоя қилиш жараёни;

б) ахборот хатарини мумкин қадар камайтириш жараёни деб қараш ғоят муҳимдир.

Аудит турли иқтисодий субъектлар бошқа фойдаланувчилар учун эълон қиладиган ҳисоботда ахборот хатари маълум даражада камайтириш жараёнидир.

Демак, аудит ёрдамида ахборот хатарини бутунлай тугатиб бўлмайди. Аудиторлар олдига шундай вазифа қўйиладиган бўлса, бундай вазифани бажариб бўлмайди.

Мамлакатимиздаги аудит вазифалари жиҳатидан халқаро тажрибадаги аудит моҳиятига яқинлашмоқда, лекин аудит учун ўзбек атамаларини ишлаб чиқиш, бу атамаларнинг тўла мос келиши ҳақида гапиришга ҳали вақт эрта. Лекин қонунда бир қанча ҳолларда зид механизмлар ва қоидалар мавжудлиги эътибордан ҳоли эмас. Маълумки, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга улар мазкур хўжалик юритувчи субъектга ана шу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган тегишли (боғлиқ) **касбий хизматларни** кўрсатган даврга оид молиявий ҳисоботнинг ишончилигини аудиторлик текширувидан ўтказишларини тақиқлайди. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузишга оид консалтинглар бўйича хизмат кўрсатган аудиторлик ташкилотига йилнинг якунига кўра молиявий ҳисоботни тасдиқлашни тақиқлайди. Бу, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш базасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида келиб чиқадиган саволлар бўйича тезкор маслаҳат олиш имкониятини мушкуллаштиради. Натижада бухгалтерларнинг йўл қўйилган хатоликларни ҳисобот тайёрлаб бўлингандан кейин чекланган вақт

мобайнида тўғрилашларига тўғри келади. Хўжалик юритувчи субъектларни иккита аудиторлик фирмаси билан маслаҳат олиш учун алоҳида ва молиявий ҳисоботни текширтириш учун алоҳида шартнома тузишга мажбурлайдилар. Бироқ бу ҳам муаммони ҳал эта олмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас, чунки маслаҳатчилар ва текширувчилар масалага турлича ёндашишлари мумкин.

Бу чекловни ривожланган мамлакатларда ҳам ва аудитнинг халқаро стандартларида ҳам назарда тутмайди. Бундай чекловларни бекор қилиш аудиторлик ташкилотларнинг хизмат қилиш доирасини кенгайтиради ва унинг сифатини янада яхшиланишига олиб келади.

Халқаро амалиётда йирик аудиторлик фирмаларида бир-бирига боғлиқ бўлмаган бўлинмалар мавжуд. Бири бухгалтерия ҳисобини юритиш масалари бўйича, яна бири эса – солиқни ҳисобга олиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар беради, учинчиси эса – молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини текширади.

Бундай ҳолатлар Республикамизда ҳозирги пайтда деярли амалда мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам бу масалани ижобий ҳал этиш оғир кечмоқда.

Қонундаги «Аудиторлик ташкилоти» тушунчасига аниқлик киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунончи, 5-моддада унинг қуйидаги таърифи берилади: «Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир». «Аудиторлик фаолияти» деб номланган 2-моддада айтилишича, «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади». Шундай қилиб, аудиторлик текширишларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш лицензиясига эга бўлган юридик шахс аудиторлик ташкилоти бўлиб ҳисобланади деган маъно келиб чиқмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик

текширишларининг ролини ошириш тўғрисида»ги 365-сон Қарорида «Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-илоvasи 2-бандида кўрсатилишича, «Аудиторлик фаолияти, бундан аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари мустасно, фақат аудиторлик фаолиятини амалга оширишга махсус рухсатномаси (лицензияси) мавжуд бўлган ҳоллардагина амалга оширилади».

Шу боисдан ҳам юзага келган зиддиятни бартараф этиш учун Қонуннинг 5-моддасига қуйидаги: аудиторлик ташкилоти -аудиторлик фаолиятини амалга оширишга эмас, балки аудиторлик текширишларини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсдир деган аниқ таърифни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қонуннинг 5-моддасидаги устав капиталида улуш миқдори масаласига эътиборни қаратсак, унда айтилишича, аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши керак (бундан хорижий аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси - аудиторлик ташкилотини тузиш ҳоллари мустасно).

Бугунги кун тартибида аудиторлик ташкилотларини йириклаштириш вазифаси турибди. Хориж тажрибаси кўрсатганидек, у асосан бир нечта лицензияланган аудиторлик ташкилотларини бирлаштириш билан ҳал қилиниши мумкин. Шунинг учун ҳам Қонун устав капитали таркибидаги 51 фоиздан иборат улушнинг фақат аудиторлар - жисмоний шахсларгагина эмас, балки бирлашган аудиторлик ташкилотларига ҳам тегишли бўлиши мумкинлигини кўзда тутиши лозим.

«Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари» номли 90-сон Аудиторлик фаолияти миллий стандартида Қонуннинг шундай номланувчи 17-моддаси қоидалари ўз ривожини топди. «Профессионал хизматлар рўйхати» деган 3-параграфнинг «д»-бандида қуйидагилар: «Техник-иқтисодий асосланмалар (ТИА)ни тайёрлаш, инвестиция лойиҳалари ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш» таъкидланган.

Бироқ, баҳолаш ҳар доим ҳам капитал қўйилмалар - яъни пул маблағлари қўйиладиган у ёки бу инвестиция лойиҳасининг қиймат таърифи ёки қиймат баҳосини кўзда тутди. Бироқ, Қонунда аудиторларнинг баҳолашни амалга оширишга оид ҳуқуқи ҳақида айтилмаган. Бундан аудиторлик ташкилотлари баҳолаш фаолияти билан шуғуллана олмайдилар деган хулоса чиқади.

Ҳолбуки, баҳолаш фаолияти бухгалтерия маълумотлари, молиявий ҳисоботлар ва активларни инвентарлашга, яъни, аудиторлар нима билан шуғулланишига асосланади. Ҳақиқатдан ҳам уларнинг фақат яширин шаклдагина, масалан, тугатишга оид балансни тасдиқлашга оид ишни бажараётиб баҳолаш фаолияти билан шуғулланишларига тўғри келади. Бугунги кунга келиб аудиторлик фаолиятини тартибга солиб боровчи меъёрий база барча ривожланган ғарб давлатларида, хусусан, Россияда ҳам баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи қонунда белгиланган.

Бироқ, бизнинг мамлакатимизда баҳолаш фаолияти «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ лицензияланади. Бундай хизматларнинг номлари келтирилган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг рўйхатида «Хизматларнинг мазкур турига оид тегишли лизенция мавжуд бўлган ҳолларда» деб кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, инвестиция лойиҳалари ва тақлифларини баҳолаш ҳуқуқини берувчи инвестициялаш малаҳатчисининг лицензияси Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан берилади.

Шундай қилиб, ҳар қандай тараққиёт ҳам муаммоларнинг юзага келиши билан бевосита боғлиқ бўлади ва уларни ижобий равишда ҳал этиш, албатта, ривожланишига олиб келади.

Аудитнинг моҳиятини, аҳамиятини ва вазифаларини таҳлил қилиш унинг жуда мураккаб, ижтимоий бетараф иқтисодий восита эканини кўрсатмоқда. Ривожланган ғарб давлатларида аудитнинг жадал ривожланишини тахминан XIX асрда капитал сарфи жадаллашуви ва бу

капиталнинг йирик саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда жаҳон савдосига мос келадиган шакли акциядорлик жамиятлари тез ривожланиши билан боғлиқ равишда бошланган. Бундай шароитда инвесторлар акциядорлик жамиятларининг ёлланган маъмурияти билан муносабатларини тубдан ўзгартирди. Хусусан:

-аҳолининг мулкӣй табақаланиши, шунингдек, сохта капиталнинг ривожланиши инвесторлар таркибида, уларнинг қиёфасида муҳим силжишларга олиб келди;

-нообъектив ахборотга асосланиб хўжаликка оид қарорларни қабул қилиш кўп ҳолларда салбий иқтисодий оқибатларга ва ҳатто айрим акциядорлик жамиятларининг банкрот бўлишига олиб келди;

-далолат бериш, яъни турли эмитентларнинг ҳисоботлари тўғрилиги тўғрисида мутахассис сифатида ўз фикрини билдириш вазифаларини бажаришга қодир бўлган одамлар учун алоҳида махсус билимлар зарур бўлиб қолди;

-акциядорлик жамиятларининг маъмурияти (ижроия дирекцияси) мулкдорлар сони кўпайгани сабабли улар билан бевосита алоқаси узилиб қолди;

-ҳисобот тузувчи компаниялар маъмурияти ва уларнинг инвесторлари, шунингдек, бу ҳисоботдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг манфатлари объектив равишда бир-биридан ажралди;

-капитал ҳаракатининг замонавий шакли сифатида фонд бозори қарор топди ва ривожланди.

Санаб ўтилган бу омилларнинг ҳаммаси мамлакатимиз иқтисодиётидаги замонавий жараёнларга бевосита тааллуқли.

Бундай келиб чиқадиган оқибатлар ва уларнинг турли жиҳатлари кейинги бобларда тадқиқ этилган.

Фонд бозори шароитида инвестицияга доир қарорлар фонд бозорида акцияларни, қимматли қоғозларни сотиб олиш чоғида қабул қилинади. Айни пайтда харидор фонд бозорининг миллий концепцияси хусусиятларига

мувофиқ ҳаракат қилади. Бу концепциясини шартли равишда «Америкача» (АҚШ федерал захираси томонидан назорат қилинадиган очик бозор тарзида) ёки «Олмонча» (Бундесбанк руҳида қайта молиявий кредит) деб атайдилар. Бундай пайтда ҳар қандай ҳолатда ҳам харидорда эмитент корхонани текшириш эмас, унинг маъмурияти билан бирор тарзда мулоқот қилиш учун ҳам деярли ҳамиша имконият бўлмайди. Шундай қилиб ахборот хатарининг мавжудлиги омилига айланди: акциясини сотиб олиш кўзда тутилаётган ҳар қандай корхонага капитал қўшишининг хатарлилиги даражаси ошди. Шу билан бирга фонд бозорининг мавжудлиги жуда зарур бўлиб қолди. Фонд бозори - инвестициялар ҳаракатининг тезда қайта тақсимланишига, энг истиқболли корхоналар ва тармоқларга қўшилишига имкон берадиган тезкор ва самарали шаклидир.

Ахборот хатари аслида ҳамиша мавжуд, лекин у фонд бозори доирасида инвестициялар тезкорлиги таъминланиши учун тўланадиган катта маблағга айланди. Дарвоқе, акциялар пакетидаги инвестиция ҳам бошқа ҳар қандай бизнес кабидир. Х.Шарп ва У.Марковиц инвестиция пакети назариясини яратгани учун Нобел мукофотида сазовор бўлган. Бу назариянинг моҳияти - инвестиция пакетининг энг мақбул компонентларни танлашда статистик усулларни қўлланиши хатар камайтирилганда бундай компонентлар энг кўп даромад олинишини таъминлаши, унинг даромад келтиришига муайян талаблар қўйилганда эса хатарни камайтириши керак. Малакали аудиторлар операцион аудиторлар доирасида амалий ишларда Шарп Марковиц назариясининг асосий қоидаларидан фойдаланадилар. Бироқ бозорнинг ўзи ҳам, унинг инфратузилмаси ҳам яхши ривожланган АҚШ шароитида ҳам бундай илмий асосланган якка, инвестиция жилддонини шакллантириш мижозга минг, ҳатто ун минглаб долларга тушади. Аммо, бундай тадқиқотларнинг натижаси фойдаланиладиган, бир неча ўн йиллик статистик ахборотнинг сифати ва хатар даражасининг янги ўзгаришига (хатар даражасининг ортишидан статистика ҳам қутқара олмайди) боғлиқ бўлади.

Хар қандай ҳолатда ҳам инвесторлардан «Ахборот тешиклари» ҳажмини камайтириш ва ахборот хатарини камайтирадиган махсус жараёнларни ташкил этиш учун алоҳида куч-ғайрат доимо талаб қилинади. Эмитентлар бухгалтерия ҳисоботининг мустақил аудити ана шундай жараёнларнинг энг муҳимидир. Фонд бозорининг деярли барча иштирокчилари агар акцияси нархи бозорда кўтарилаётган аниқ компаниялар тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилигига инвестор қанчалик амин бўлса, ноаниқлик омили камаяди, деган фикрга қўшиладилар. Бунинг учун улар аудиторларнинг хулосаларига таянишлари лозим. (Айни шу сабабли, АҚШда 1929-1933 йиллардаги таназзулдан кейин, инвесторлар ўз маблағларининг анча қисмидан маҳрум бўлганларидан сўнг мавжуд молия тузилмаларига ишончи қолмагач, аудиторлик фаолияти тез ривожлана бошлади).

Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳолати ўша вазиятга жуда ўхшайди. Бир томондан, фонд бозорнинг асосий тузилмалари тез шаклланмоқда, иккинчи томондан эса, молиявий пирамидалар қуришнинг дастлабки салбий тажрибалари мавжуд, шунингдек, асосан аҳоли маблағидан фойдаланган бир қанча молиявий ташкилотлар ва банкларнинг аҳволи ёмонлашди. Мамлакатимизда бундай салбий оқибатнинг тажрибаси миллионлаб одамларнинг ва ун минглаб корхоналарнинг манфатларига зарар етказди, 90-йилларнинг ўрталарида омонатчилар ва акциядорларнинг барча мавжуд молиявий тузилмаларга ишончи қолмади. Шу сабабли, бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторларнинг гувоҳлик бериш вазифаси зарурлигини англадилар. Бундай шароитда, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳокимият тузилмаларининг, шунингдек ички ва ташқи инвесторларнинг сўзсиз ишончига сазовор бўлган нуфузли ташкилот сифатида аудитни барпо этиш муаммоси иктисодиётни барқарорлаштириш йўлида асосий бўлмаса ҳам, муҳим вазифалардан бирига айланди.

Мамлакатимизда 1992 йил 9 декабрда биринчи марта меъёрий ҳужжатларда аудит сўзи тилга олинди. Ўшанда аудиторлик ташкилотларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига доир учта ҳужжат қабул қилинди.

Хуллас, бу меъёрий ҳужжатларда Ўзбекистонда аудиторларни гувоҳлик бериш фаолиятига муҳтожлиги ва бунини фақат аудиторлар бажариши мумкинлиги тан олинган. Ўзбекистонда аудитга талаб тобора орта борди ва амалётда кенг қўлланила бошлади, бу эса аудитни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо этди. Бу масала кейинчалик 2000 йил 26 майда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда «Аудиторлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида ва бошқа бир қанча қонун ва меъёрий ҳужжатларда акс этди.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий меъёрий асосини яратишда халқаро аудит тажрибаси ва ривожланишига асосланиб, аудиторлик фаолиятини тартибга солишга мавжуд икки асосий ёндашувга қараб иш тутиш мумкин:

Давлатнинг қонун таёрлаш ташаббуси ва давлат йўли билан тартибга солиш (Германия, Франция ва Европадаги бошқа баъзи давлатларнинг ёндашуви);

Профессional жамоат ташкилотларининг қонун лойиҳасини тайёрлаш ташаббуси ва давлат билан биргаликда тартибга солиш (ингилизча-америкача ёндашув).

Ўзбекистонда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунни яратишда икки усулдан фойдаланилди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида аудиторлик фаолияти бўйича комиссия тузилди.

Ўзбекистонда чинаккам аудиторлик фаолиятини қарор топиши, ислоҳотларининг бошқа кўплаб хайрли мақсадлари ҳам узоқ кутилган ижобий натижа беришига имконият бўлади, деб тасаввур қилиш мумкин. Биринчи марта «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 9.12.1992 йилда қабул қилингандан сўнг ҳам Вазирликларда, Концерн, Акциядорлик

компаниялари ва бошқа давлат тасарруфидан чиқарилган жамиятларда 1996 йилга қадар назорат ва тафтиш бўлимлари мавжуд эди. Бундан ташқари, илк бор ташкил қилинган аудиторлик ташкилотлари Вазирликлар, концерн, компания ва бошқа идоралар қошида очилди. Бу аудиторлик ташкилотларида мустақиллик тамойили сунъий равишда бузилди. Шунинг билан бир қаторда, аудиторлик фаолиятни ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Улар ўртасида рақобат сусайиб кетди. 2000 йилга келиб, Қонуннинг янги таҳрири ва Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши юқоридаги салбий ҳолатларга чек қўйди. Аудиторлик ташкилотларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Иқтисодий субъектларнинг фаолиятининг асосий мезонлари тасдиқланди. Бу мезонларга кўра, уларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари мажбурий тарзда ҳар йили аудит текширишдан ўтиши керак. Бундан ташқари, эълон қилинадиган ҳисоботни мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши шартлиги тўғрисидаги қоида ушбу Қонунда ва бошқа жиҳатларда белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан давлат назорати ўрнини босмайди. Бундай назоратни тегишли махсус ваколатли давлат органлари амалга оширади.

Уларнинг орасида:

- а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг назорат ва тафтиш бошқармаси;
- б) Божхона назорат органлари (жумладан, Давлат божхона қўмитаси);
- д) Давлат солиқ органлари;
- е) Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жинойятчиликка қарши курашиш департаменти ва бошқалар бор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарорига асосан ишлаб чиқилган «Аудиторлик

хулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ равишда аудитни малакасиз, сифатсиз бажаргани учун аудиторлар Қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Хатто етказилган зарарни тўла ундириб олиш каби жазо белгиланган. Шунинг учун мазкур Низомга мувофиқ амалиётда жиддий зиддиятлар келиб чиқмоқда. Солиқ органлари ходимлари томонидан Молиявий ҳисоботнинг нотўғрилиги тўғридан-тўғри бир томонлама ҳал этилмоқда. Яъни, фақат Солиқ органлари ходимларининг таклифлари инобатга олинган. Бундай баҳслар бизнинг фикримизча, икки томонлама - аудиторлик ташкилотининг таклифлари ҳам инобатга олиниб, хўжалик суди орқали ҳал этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ҳар доим ҳам Солиқ органлари ходимларининг ҳисоблари тўғри чиқавермайди.

Шу тариқа аудиторларнинг гувоҳлик бериш вазифаси амалда ҳокимият вакилларига ҳам, бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчиларга ҳам зарур бўлиб, бу эҳтиёж тобора ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган «Аудиторлик хулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомига мувофиқ равишда аудитни малакасиз, сифатсиз бажаргани учун аудиторлар Қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Хатт етказилган зарарни тўла ундириб олиш каби жазо белгиланган. Шунинг учун мазкур Низомга мувофиқ амалиётда жиддий зиддиятлар келиб чиқмоқда. Солиқ органлари ходимлари томонидан молиявий ҳисоботнинг нотўғрилиги тўғридан-тўғри бир томонлама ҳал этилмоқда. Яъни, фақат солиқ органлари ходимларининг таклифлари инобатга олинган. Бундай баҳслар бизнинг фикримизча, икки томонлама – аудиторлик ташкилотининг таклифлари ҳам инобатга олиниб, хўжалик суди орқали ҳал этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ҳар доим ҳам Солиқ органлари ходимларининг ҳисоблари тўғри чиқавермайди.

Бухгалтерия ҳисоботини, тўлов-ҳисоб ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни текшириш чиндан ҳам аудиторларнинг бевосита вазифасидир, бу ишлар айниқса мажбурий аудит бўйича бажарилиши шарт. Аммо, кўп аудиторларнинг фикрича, солиқ ҳисоботи ва солиқ декларацияларини, шунингдек, иқтисодий субъектларнинг бошқа молиявий мажбуриятлари ва талабларини текшириш махсус тузилган бошқа шартномалар асосида бажарилиши лозим. Аудиторлик хизмати кўрсатиш аудиторлар ва корхоналар ўртасида ҳам, шунингдек миждозлар ўртасида ҳам соғлом рақобат негизида бўлиши керак. Бу иш асосан ўзаро ихтиёрий алоқалар ва муносабатлар билан бажарилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида бюджетга солиқлар тушумини назорат қилиш айна солиқ хизматида топширилган.

Бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мувофиқ равишда тубдан ўзгартириш, аудиторлик фаолияти савиясини оширишнинг асосий шартидир. Аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш ва умуман инвестиция жараёнини ривожлантириш учун мазкур масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб аудитнинг мукаммалашаётган ҳисоб тизими билан алоқасини мустаҳкамлаш, буни стандартлар даражасида амалга ошириш лозим.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингини уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларига таяниб, қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлари асосида таҳлилий жадвал ёрдамида комплекс ва тизимли анкета ўтказиш орқали имкониятларини аниқлаш мумкин. Рейтингнинг кўтарилиши ва пасайиши ташкилотнинг ривожланиш динамикасини белгилайди. Ҳар бир ташкилотнинг рейтинг индекси алоҳида, индивидуал бўлиши шарт. Ушбу ёндашув ҳар бир аудиторлик ташкилотини алоҳида тизимли таҳлил қилишга шароит яратади. Таҳлил натижасида аудиторлик фаолиятининг умумий, комплекс ривожланиш истиқболини белгилаш мумкин. Рейтингнинг асосий методикасига уч омил сифатидаги базавий кўрсаткичлар: миқдор ва сифат жиҳатдан тавсиф, ички ва ташқи корпоратив


ресурслар, рақобатдаги устунлигининг қиёсий таҳлили киради. Бундан ташқари, индекснинг ҳисоб-китобида бир қатор номолиявий, рақамсиз, бошқарув қарорлари мавжуд бўлган маълумотлар базасига ҳам таянилади. Рейтинг аниқлашнинг аҳамияти шундаки, иқтисодиётнинг турли сегментларини текширишга мўлжалланган ҳар бир аудиторлик ташкилотининг молиявий хизматлар бозордаги мавқеини ўз вақтида аниқлаш ва доимий мониторингни олиб бориш имкониятини бериши ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчиларга етказиш билан белгиланади. Бундан ташқари, улар индексларининг ялпи жамламаси молиявий хизматлар бозорида ишончли индикатор бўлиб ҳисобланади.

Бизнингча, рейтингни аниқлаш методикаси механизмини интернет тизимидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу биринчидан вақтни тежаш имконини берса, иккинчидан иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Фикримизча, рейтингни аниқлашни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит методологияси” бошқармаси амалга оширса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда ушбу вазифа «Аудит рейтинг» аудиторлик ташкилотига юклатилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 1 мартдан бошлаб унинг www.mf.uz сайтида ҳар ой бошида аудиторлик текширувини ўтказишга лицензия олган аудиторлик ташкилотларининг уч гуруҳдан иборат рўйхати бериб берилмоқда, (2-жадвал). Лекин, ушбу гуруҳлаш бир томондан уларнинг табақаланишини англатса, қайсидир маънода миқдорларда уни танлашга ҳам бироз ёрдам беради. Фикримизча, мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари сонининг етарлича кўплиги ва уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган аудиторлик лицензиясига эга ташкилотлар миқдорининг камлиги улар томонидан миқдорларга ўз вақтида, тезкор ва сифатли хизмат кўрсата олмаслигига ҳамда ташқи аудит хизмат ҳақининг сезиларли ошишига сабаб бўлади. Бу эса, Ўзбекистон аудиторлик хизматлари бозорида рақобатнинг кучсизланишига ёки сунъий рақобат муҳитини яратилишига олиб келади.

1-жадвал

**Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони
(маълумотлар 31-декабр ҳолатида келтирилган)³**

	2011	2012	2013
Аудиторлик ташкилотлари	104	104	101
Аудиторлар	713	684	669



1-жадвалдаги рўйхатни тузишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уларнинг уч: Устав капиталининг миқдори, малака сертификатига ва халқаро бухгалтер сертификатига эга аудиторлар сони каби кўрсаткичларни мезон қилиб олган. Бизнингча, бошқа мезонлар ҳам эътиборга олиниши керак. Фикримизча, рейтинг аниқлашни уч босқичда

³ Жадвал муаллиф томонидан аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари реестри маълумотлари асосида тайёрланди.

амалга ошириш керак. Биринчи босқичда маълумотларни тўплаш, иккинчи босқич – маълумотларни қайта ишлаш ва учинчи босқич эса унинг натижаларини эълон қилиш.

Шулардан 22 таси ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларини ўтказишга ҳақли, 12 таси хўжалик юритувчи субъектларда, бундан очик акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно, ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиши мумкин, 67 таси барча хўжалик юритувчи субъектларни текшириши мумкин. Яъни аудиторлик ташкилотларининг учдан икки қисми - 66,34%и юқори тоифадаги лицензияга эга (2-жадвал):

2-жадвал

Аудиторлик ташкилотларининг лицензия турлари бўйича тавсифланиши⁴

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013
Аудиторлик ташкилотларининг лицензия турлари:			
Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларини ўтказишга ҳақли аудиторлик ташкилотлари	21	23	24
Очик акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари, ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказишга ҳақли аудиторлик ташкилотлари	14	12	12
Барча хўжалик юритувчи субъектларни текширишга ҳақли аудиторлик ташкилотлари	69	69	69
Жами:	104	104	105

Рейтингни аниқлашда даставвал лицензия олган аудиторлик ташкилотларининг барча маълумотларини базага киритиш керак. Бунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги “Бухгалтерия ҳисоби ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

аудит методологияси” бошқармаси ҳар бир аудиторлик ташкилотига рейтингда қатнашишлари учун ёзма билдиришнома юбориб маълум қилишлари ва барча 3.5-жадвалда сўралган маълумотларни электрон шаклда етказиб беришни талаб қилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, электрон шаклдаги маълумотларни қайта ишлаш вақтини тежаш, тез ва оперативлик имконини яратади ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Албатта, аудиторлик ташкилотлари бўйича аниқланган рейтинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан иқтисодий журналларнинг бирида жадвал, чизма, диаграмма ва графиклар кўринишида рангли тасвирда даврий эълон қилиб борилиши талаб этилади. Шундагина, бажарилган иш яққол намоён бўлади.

1.2. Рейтинг тизими асосида баҳолашнинг моҳияти, зарурлиги ва мақсади

«Рейтингни анъанавий бўлмаган иқтисодий индикаторлар жумласига киритиш мумкин. Бу индикатор корхонани бошқа корхоналар орасидаги урни (мавқеи, даражаси)ни белгилашгина эмас, балки саноат ва унинг тармоқларини ривожлантириш мониторингини амалга оширишга ҳам имкон беради»⁵.

Албатта, бу фикрга қўшилган ҳолда - рейтинг иқтисодий индикатор ҳамда ривожланиш мониторинги билан бир қаторда корхона ва ташкилотларни иқтисодий ахборот вазифасини ҳам бажаради.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин илк бора 1999 йил август ойида «Бозор, пул ва кредит» - банк ходимлари ва ишбилармонлар ойлик журнали орқали «Ўзбекистондаги 200 та энг йирик саноат корхонасининг йиллик рейтинглари», «БПК-25» клуби томонидан корхоналар рейтингини эълон қилинди.

Айни вақтда, рейтинг иқтисодий мониторинг воситаси бўлиб, ҳам хизмат қилади. Ишбилармонлар доираси билан бир қаторда рейтингдан

⁵ Ўзбекистондаги 200 та энг йирик саноат корхонасининг йиллик рейтинглари. // Бозор, Пул ва Кредит, журналы 1999 август 12- бет.

ҳукумат идоралари ҳам фойдаланиши мумкин. Рейтинг берадиган ахборот таркибий узгаришлар йўналишини, иқтисодий ривожланиш суръатларининг келажақда ортиши ёки пасайишини аниқлашга имкон беради.

Иқтисодий субъектларнинг бундай рейтингларини эълон қилишга бозордаги мижозлар ёки рақобатчилар ва маъмурий тузилмалар катта кизиқиш билан қарайди. Сабаби, рейтинг иқтисодиёт реал секторининг бозор механизмларини жонлантириш воситасига айлантирилмоқда ва унга хорижий инвесторлар ва жаҳон иқтисодий ҳамжамияти ижобий муносабат билдиради.

Рейтинг конкрет корхоналар тўғрисидаги ҳаммабоп ахборот манбаи бўлиб, қарор қабул қилишнинг муҳим воситасидир. Чунки, у тадбиркорга саноатнинг тараккий этиш йўналишини, ишбилармонликнинг жонланишини ҳамда фойда олиш имкониятларини ҳам кўрсатиб беради.

Рейтингни аниқлашда турли ёндашишлар бор. Лекин, жаҳон амалиётида рейтинг белгиланишининг 3 та асосий усули мавжуд.⁶

1. Тартиблаш (рақамлаш) усули. Корхона молиявий фаолиятининг кўрсаткичи муҳим хулоса тузилишлари билан биргаликда олиб борилиши ва аниқланган ҳар бир кўрсаткичлар бўйича рейтинг жойларини белгилаш. Бу усулнинг камчилиги, рақамлаш тизими технологиясига мувофиқ белгиланган омиллар усулида корхона молиявий фаолиятининг жараёни аниқ акс этмаган.

2. Балл усули. Рейтингини аниқлашда энг қийин методика ҳисобланади. Чунки, корхонанинг иқтисодий фаолиятида аниқланиб тупланган ҳар бир кўрсаткичлар ҳолати баллда ифодаланиши талаб этилади. Бу тупланган (ёки йиғилган) балл кўрсаткичлари корхонани у ёки бу гуруҳга мувофиқлигини аниқлаб беради.

3. Индекс усули. Дунё амалиётида кенг қўлланиладиган усул бўлиб, уни қўллашда корхонанинг ҳар бир алоҳида кўрсаткичлар бўйича индексини ҳисоблаш йўли билан белгиланади. Индекс ҳисоблашдаги баъзи маълумотлар яъни, бир неча йиллар ҳисобида уртачасини ҳам мазмунан

⁶ Эрматов М. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. –Т.: Иқтисод-молия, 2005. 41-бет.

ҳисобга олиш мумкин. Ассосий мақсад корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларини баҳолашдир. Рейтинг — статистик маълумотларга таянмаган ҳолда, кўрсаткичларни ҳатарли ҳолатлари билан аниқ томонларини ўрганишни талаб этади.

Рейтинг ихтисослашган рейтинг агентлиги томонидан белгиланади. Бунда иш юритувчи корхона рейтинг агентлиги билан келишган шартнома асосида иш олиб бориб, корхонанинг салбий томонларини ҳимоя қилиш вазифасини ўтайди.

Рейтинг - макроиқтисодий жараёнда рейтинг агентликлари томонидан ҳужаликнинг молиявий фаолиятига баҳо беради. Бунда корхоналар уртасидаги ёки муассасалар уртасидаги фарқ рейтинг орқали белгиланади.

Устав фонди ҳажми, баланснинг умумий суммаси, баланс фойдаси, фаолият самарадорлиги (баланс фойдасининг устав фондига тўлови муносабати ҳисобида). Бу кўринишдаги рейтинг ахборотлари корхонани умумий кўриниши ҳақида маълумотлар беради ҳамда корхонанинг фаолиятини солиштириш имконини яратади. Лекин корхонанинг фаолиятининг барқарорлиги ҳақида тулиқ маълумот берилмаган.

Аммо, ривожланган давлатларда рейтингни аниқлашда турли усуллар қуланилади. Бунда асосан икки хил ёндашиш мавжуд.

Биринчиси, корхона фаолиятининг таҳлилида ўзларини индивидуал усул ҳамда ўзаро муносабатлар икки дифференциацияси (ҳисоб ва кредит) урнатилган. Бу таҳлилда корхоналар битта бўлимда олиб қаралади. У узида танлов тавсифини белгилайди ва рейтингини тулдириш эҳтимолдан холи эмас. Бу рейтингни аниқлаш манбаси: ҳисобот ва бошқа маълумотлар қузда тутилган ҳисоботлар тупламидир.

Иккинчиси, корхоналар рейтингини аниқлашдаги мустиқил экспертлардир.

Экспертларнинг охириги ҳулосаси рейтингдир. Мустиқил рейтинг экспертларини агентликлар корхоналарнинг рейтингини эълон қилиши учун маълумотлар туплашга мутиахассислар жалб этилади. Хар бир агентлик уз

усулини қўллайди. Шуни эслатиб утиш керакки, улар корхона фаолияти тахлилини тулик ёритиб бера олмайди.

Корхона фаолиятининг тулик, объектив рейтингини аниқловчи муассасалар уларни назорат қилиш бўлимларидир.

Маълумки, самарали ишловчи тизимни яратиш иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар фаолиятини назорат қилишдан асосий мақсад эса уларнинг молиявий барқарорлигини оширишдан иборатдир

Рейтингни ифодалашда икки хил усул қўлланилади:

1. Рақам кўринишдаги усул;
2. Алифбо кетма-кетлигида белгиланувчи усул.

Корхоналар фаолиятини текшириб уларга балл белгиланиб, шу балларни йигиндисини умумий рейтинг баҳоси деб юритилади.

Алифбо кетма-кетлигида белгиланувчи усулда куп давлатларнинг ички рейтинг марказларида фойдаланилади. Мисол учун Россия федерацияси «Коммерсант» рейтинг экспертлари корхоналарни уч гуруҳга булган - А, В, С. Бу рейтингдаги корхоналар барқарорлиги энг юкори булган корхоналар ҳисобланган. АС - барқарор корхоналар рейтинг рамзи сифатида ифодаланган. Шу билан бирга «Рейтинг» ахборот маркази корхоналарнинг рейтинг кўрсаткичларини куйидагича ифодалаган:

А - энг юкори барқарорлик категорияси.

В — урта барқарорлик категорияси.

С — ноаниқ барқарорлик категорияси.

Бундан келиб чиқиб,

А3 - энг юкори барқарорлик категорияси;

А2 - анча баланд барқарор категорияси;

А1 — баланд барқарорлик категорияси;

В3 - етарли баланд барқарорлик категорияси;

В2 - урта;

В1 - етарли бўлмаган баланд барқарорлик категория;

C3 - кисман ноаниқ;

C2 - ноаниқ;

C1 — жуда ноаниқ⁷.

Бундай рейтингни аниқлашда корхоналарнинг манбаи бўлиб активлар, устав фонди ва даромад кўрсаткичлари ҳисобланади.

Рейтинг – корхоналар фаолиятини барча (тулик) кўрсаткичлар тизимини шартли алифбо кетма-кетлигида, рақамли балл кўринишида, урни (даражаси) ва бошқа шаклларда келтирилган рейтинг баҳоси натижасидир. Рейтинг баҳоси — корхоналар фаолиятининг рейтинг баллини аниқлаш мақсадида унда кўзланган умумий мақсад фаолияти иқтисодий таҳлил туридир. Бундан ташқари «Рейтинг» ва «Рейтинг баҳоси» иборалари мазмунига алоҳида эътибор қаратилган. «Қоида» ҳозирги кун талабига жавоб беради. Халқаро майдондаги рейтинг компаниялар талабини қондиради. Ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари - икки юридик шахс уртасида муносабатга тулик жавоб беради. Лекин камчиликлардан холи эмас. Қоиданинг 11-бўлим 2.7-бандида келтирилган «Рейтинг агентлигининг ҳисоботи икки тенг ҳуқуқли нусхада тўлдирилади» деб келтириб:

1-бандда рейтинг агентлигида ва 3 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланади», деб кўрсатилган.

2-бандда эса, иккинчи нусха корхонада сақланади, деб кўрсатилиб, сақланиш муддати кўрсатилмаган.

Бизнинг фикримизга қура биринчи бандда келтирилган 3 йиллик муддат корхонага ҳам аниқ белгиланиши керак.

Албатта, корхоналарнинг ички қоидасига биноан барча ҳуқуқий ҳужжатлар камида 3 йилгача сақланади. Лекин келтирилган «Қоида»нинг ҳуқуқий меъёрига асосан ҳар икки томонларга ҳам тенг ҳуқуқий нормалар белгиланиши шарт. Ҳар бир давлатнинг ички рейтинги ўзининг манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади

⁷ Коммерсант. 1993 №4 13-бет, №10 13- бет, №12 10-бет; Финансовой ведомости. //Россия Федерацияси журналлари. -М.:. 1993 12 апрел 5-12 бетлар

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш “Аудит-рейтинг” ташкилоти томонидан ўтказилади. Бизнингча рейтинг — иқтисодий субъектнинг (банк ёки корхона) шундай кўрсаткичи ҳисобланадики, бу иқтисодий субъект фаолиятининг молиявий тахлили натижасида белгиланган иқтисодий кўрсаткичидир.

Корхона фаолиятидан ахборот берувчи манба сифатида фойдаланиш мумкин, шунинг учун рейтинг балларини ҳисоблашда адашиш ёки хатоликка йўл қўймаслик зарур.

I боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертацияиснинг 1-бобида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг назарий асослари атрофлича ёритилган. Маълумки, Аудиторлик ташкилотлари рейтингини уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларига таяниб, қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлари асосида таҳлилий жадвал ёрдамида комплекс ва тизимли анкета ўтказиш орқали имкониятларини аниқлаш мумкин. Рейтингни кўтарилиши ва пасайиши ташкилотнинг ривожланиш динамикасини белгилайди.

Ҳар бир ташкилотнинг рейтинг индекси алоҳида, индивидуал бўлиши шарт. Ушбу ёндашув ҳар бир аудиторлик ташкилотини алоҳида тизимли таҳлил қилишга шароит яратади. Таҳлил натижасида аудиторлик фаолиятининг умумий, комплекс ривожланиш истиқболини белгилаш мумкин. Рейтингни асосий методикасига уч омил сифатидаги базавий кўрсаткичлар: миқдор ва сифат жиҳатдан тавсиф, ички ва ташқи корпоратив ресурслар, рақобатдаги устунлигининг қиёсий таҳлили киради. Бундан ташқари, индекснинг ҳисоб-китобида бир қатор номолиявий, рақамсиз, бошқарув қарорлари мавжуд бўлган маълумотлар базасига ҳам таянилади. Рейтинг аниқлашнинг аҳамияти шундаки, иқтисодиётнинг турли сегментларини текширишга мўлжалланган ҳар бир аудиторлик ташкилотининг молиявий хизматлар бозордаги мавқеини ўз вақтида аниқлаш ва доимий мониторингни олиб бориш имкониятини бериши ҳамда ички ва

ташқи фойдаланувчиларга етказиш билан белгиланади. Бундан ташқари, улар индексларининг ялпи жамламаси молиявий хизматлар бозорида ишончли индикатор бўлиб ҳисобланади.

II боб. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг ҳозирги амалиёти

2.1. Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда рейтинг тизимини қўллашнинг ташкилий асослари

Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан 18.04.2008 йилда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича НИЗОМ” Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги "Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида" ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубиятини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини беришни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларини тартибга солади.

Низом Ўзбекистон Республикаси аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини рейтингни баҳолашни ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари ҳаракатларини тартибга солади.

Рейтингни баҳолаш услубияти - унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтинг баҳолари ҳисобланадиган ҳужжат.

Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш - Рейтинг учун саволлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари ўртасида тарқатиш, улардан зарур ахборот олиш, олинган ахборотни киритиш ва унга ишлов бериш, Рейтинг якунлари ҳисоб-китоби ва уларни шакллантириш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва тарқатишни ўз ичига оладиган жараён.

Жамоатчилик кенгаши - Ўзбекистон Республикасининг аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари, Молия вазирлиги вакиллари, шунингдек юқори малакали аудиторлар, тегишли йўналишдаги илмий ходимлар ва ўқитувчилардан иборат бўлган жамоатчилик органи.

Ишчи орган - аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари махсус барпо этадиган, бевосита Рейтингни баҳолаш услубияти ва мазкур Низомга мувофиқ Рейтингни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини чоп этиш (тарқатиш) жараёнини амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъект.

Саволлар рўйхати - Жамоатчилик кенгаши тасдиқлаган, Рейтинг ўтказилаётганда аудиторлик ташкилотлари жавоб бериши шарт бўлган саволлар рўйхати.

Рейтинг ўтказиш жадвали - Рейтинг ташкил этилиши бошланишидан унинг якунларини чоп этиш пайтига қадар вақт чегараларини акс эттирадиган ҳужжат.

Рейтинг жорий даври - молиявий ва молияга оид бўлмаган кўрсаткичлари аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтинг баҳоланишини ўтказиш чоғида таҳлил қилинадиган ҳисобот даври.

Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхати - Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқ рейтингни баҳолаш натижасида олинган аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолаш якунларининг бутун комплекти.

Рейтингнинг умумлаштирилган якунлари - оммавий ахборот воситаларида чоп этиш учун мўлжалланган Рейтинг якунларининг қисқартирилган варианты.

Рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш, Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш, Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш жараёнларини тартибга солиш мақсадида мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан Жамоатчилик кенгаши барпо этилади.

Жамоатчилик кенгаши таркибига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси аудиторлар жамоатчилиқ ташкилотларининг ваколатли вакиллари;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили;

- САР/СІРА сертификатларига эга аудиторлар тимсолида Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотларининг вакиллари;

- аудит соҳасидаги илмий ходимлар ва ўқитувчилар.

Жамоатчилиқ кенгаши аъзоларининг умумий миқдори тоқ бўлиши ва 7 кишидан кам бўлмаслиги керак. Жамоатчилиқ кенгаши аъзоларининг аниқ таркиби ва миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилиқ ташкилотлари белгилайди ва тасдиқлайди.

Жамоатчилиқ кенгаши аъзolari ўз ишларини жамоатчилиқ асосида олиб борадилар ва ҳеч қандай кўринишда ҳақ олмайдилар.

Агар овоз беришда Жамоатчилиқ кенгаши аъзolari тасдиқланган таркибининг камида $\frac{2}{3}$ қисми иштирок этса, кворумга эришилган деб ҳисобланади.

Жамоатчилиқ кенгашининг аъзоси объектив сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарига кетганлиги, меҳнат таътилидалиги ва ҳоказо) ҳозир бўлмаганда уни алмаштириш вариантлари масаласини Кенгаш унинг вакили Кенгашнинг ҳозир бўлмаган аъзоси ҳисобланган ташкилотдан бошқа номзодни тақдим этишдан келиб чиқиб, оддий овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Жамоатчилиқ кенгаши аъзоларидан бирининг хизмат лавозими ўзгарганда у вакили бўлган ташкилот ўзининг бошқа вакили номзодини тақдим этиши шарт.

- Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолаш услубиятини тасдиқлаш;

- Рейтинг иштирокчиси бўлган аудиторлик ташкилотларига юбориладиган Саволлар рўйхатини тасдиқлаш;

- Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини молиялаш манбаларини белгилаш;

- Рейтинг ўтказиш жадвалини тасдиқлаш;
- Рейтинг ўтказиш бўйича Ишчи орган раҳбарини тасдиқлаш;
- Ишчи органни молиялаш манбаларини, Рейтингда иштирок этиш баҳоларини тасдиқлаш ва Ишчи орган ҳисоботларини тинглаш;
- Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Яқунлар тўлиқ рўйхати ва Рейтингнинг умумлаштирилган яқунларини тасдиқлаш;
- Рейтинг яқунлари бўйича шикоятлар, Рейтинг жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ва мулоҳазаларни кўриш;
- лицензияловчи давлат органининг ваколатли шахсига Рейтинг ўтказиш учун материаллар аудиторлик ташкилотидан олинмаганлиги (ўз вақтида олинмаганлиги) тўғрисида маълум қилиш;
- Рейтингни баҳолаш услубияти ва мазкур Низом билан белгиланган қоидаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш.
- объектив, холис бўлиш, муайян аудиторлик ташкилоти (ташкилотлари)нинг корпоратив манфаатларини кўзламаслик;
- ишчи орган ҳужжатларининг лойиҳалари, уларга доир таклифлар ва мулоҳазаларни 14 календарь кун мобайнида кўриш;
- Рейтинг ўтказиш давомида Ишчи органга таъсир кўрсатмаслик;
- Рейтинг яқунлари ҳисоб-китоби ва шакллантирилишидан кейин унинг Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқлигини текшириш;
- Яқунларнинг тўлиқ рўйхати ва Рейтингнинг умумлаштирилган яқунларини тасдиқлаш;
- ўтказилган Рейтинг яқунлари бўйича келиб тушган барча шикоятлар ва таклифларни кўриш;
- масалаларни муҳокама қилаётганда Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида ихтилофлар юзага келган ҳолларда уларни амалий ҳал этиш

йўллари излаш;

- навбатдаги Рейтинг бошланиши олдидан Рейтинг ўтказиш жараёни ва Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш имкониятини кўриш;

- Жамоатчилик кенгаши ишида иштирок этиш вақтида олинган ахборотнинг махфийлигини сақлаш, уни учинчи шахсларга бермаслик;

- Жамоатчилик кенгашининг иш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига, шунингдек Рейтингни баҳолаш услубиятига доир ҳар қандай таклиф ва мулоҳазалари амалий, объектив бўлиши ҳамда Рейтингни ўтказиш жадвалига мувофиқ Рейтингни ўз вақтида ўтказишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Жамоатчилик кенгаши 14 календарь кун мобайнида Ишчи орган тақдим этган ҳужжат бўйича аниқ қарор қабул қила олмаса, ушбу ҳужжат Жамоатчилик кенгаши томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Рейтинг якунларини ва/ёки уни ўтказиш пайтида Ишчи орган томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларни кўриб чиқаётганда айтилган вақтда Ишчи орган аъзоси бўлган Жамоатчилик кенгаши аъзоси овоз беришда иштирок этмайди.

Жамоатчилик кенгаши раиси аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари орасидан сайланади, у Ишчи органнинг раҳбари бўла олмайди.

Рейтингнинг жорий даври учун Саволнома чоп этилганидан ва/ёки аудиторлик ташкилотларига юборилганидан кейин Жамоатчилик кенгаши мазкур ҳужжатга ҳар қандай ўзгартишларни киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари биргаликда хўжалик юритувчи субъектни таъсис этадилар, унинг уставга кўра фаолиятининг асосий йўналиши республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтингини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш ҳисобланади.

Ишчи орган зиммасига қуйида саналган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш юкланади:

- Рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- Рейтинг ўтказиш учун Саволнома ишлаб чиқиш;
- Ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаларини Жамоатчилик кенгаши аъзоларига юбориш, уларни умумлаштириш учун таклиф ва мулоҳазаларни йиғиш;
- ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаларини тасдиқлатиш учун Жамоатчилик кенгашига киритиш;
- Саволномани республика аудиторлик ташкилотлари ўртасида тарқатишни ташкил қилиш;
- аудиторлик ташкилотларидан олинган материалларни Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқ йиғиш ва умумлаштириш;
- республика аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолашни ўтказиш;
- Рейтинг якунлари тўлиқ рўйхатини шакллантириш, Рейтингнинг умумлаштирилган якунларига тушунтиришлар матнларини тайёрлаш;
- Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини Жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига киритиш, хатолар ёки Рейтингни баҳолаш услубиятидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда уларни дарҳол тузатиш чораларини кўриш;
- Жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тақдим этиш;
- Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини тарқатиш учун материалларни тайёрлаш;
- Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва тарқатишни ташкил этиш;
- Рейтингни баҳолаш услубияти бўйича таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш, шунингдек Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича шикоят ва таклифларни йиғиб, кейинчалик уларни Жамоатчилик кенгаши кўриб чиқишига топшириш;
- шахсизлантирилган ва умумлаштирилган кўринишда аудиторлик хизматлари бозорининг таҳлилий ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш, шунингдек уларнинг якунларини тижорат асосида тарқатиш;

- Ишчи органнинг иш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш.

Ишчи органнинг Рейтингни ташкил этиш ва ўтказишга доир барча ишлаб чиқилган ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомни ва Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича ўзгартиришлар Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингининг умумлаштирилган якунлари оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини аудиторлик ташкилотлари бевосита Ишчи органдан оладилар.

Ишчи орган аудиторлик ташкилотларидан олинган материаллардан шахсизлаштирилган ва умумлаштирилган кўринишда республика аудиторлик хизматлари бозорининг ҳолатини тавсифлайдиган таҳлилий материаллар ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш учун фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Рейтинг ўтказиш жараёни устидан вақтинчалик назорат ўрнатиш учун Жамоатчилик кенгаши Рейтинг ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Жадвалда Рейтингни ўтказиш бутун таомили аниқ кўрсатилади, у Саволномани ишлаб чиқишдан бошланади, ахборот йиғиш ва умумлаштириш, Рейтинг ҳисоб-китоби, унинг натижаларини Жамоатчилик кенгаши билан келишиш жараёнларини ўз ичига олади ва Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиб, кейинроқ Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини республика аудиторлик ташкилотларига юбориш билан якунланади.

Рейтингнинг жорий даври учун Жадвал тасдиқланганидан кейин рейтингни баҳолаш тугаллангунига қадар Жамоатчилик кенгаши уни ўзгартиришга ҳақли эмас.

Рейтинг ўтказишнинг жорий даври деганда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг унинг якунлари бўйича улар фаолияти рейтинг баҳолари ҳисобланадиган аниқ ҳисобот даври тушунилади.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳисобот даври деб бундан аввалги ҳисобот даврининг якунлари ҳисобланади.

Ишчи орган Рейтинг ўтказиш олдидан ҳар гал республика аудиторлик ташкилотларига юбориладиган, Рейтинг ўтказиш учун саволлар рўйхатини ишлаб чиқади ҳамда Жамоатчилик кенгаши кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этади.

Саволлар жамликда республика аудиторлик ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятини тавсифлаши ва барча аудиторлик ташкилотлари учун бир хил бўлиши керак.

Жавоби аудиторлик ташкилотларининг маълумотлар махфийлигини сақлаш ҳуқуқини камситиши мумкин бўлган саволлар Рўйхатга Жамоатчилик кенгашининг қарорига кўра, махфийликни сақлаш ва улардан Ишчи орган шахсизлаштирилган (умумлаштирилган) кўринишда фойдаланиши шарти билан, киритилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган материалларни тасдиқлаш учун Ишчи орган Жамоатчилик кенгаши билан келишган ҳолда уларнинг молия ҳисоботини (1-5-сон шакллар), шунингдек Саволлар рўйхатига кирадиган, молиявий ҳисоботда акс этмаган маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эгадир.

Ишчи орган Жамоатчилик кенгашининг кўрсатмасига кўра ҳар гал тақдим этилган материалларнинг тўғрилигини бевосита аудиторлик ташкилотларида текшириш ҳуқуқига эгадир.

Рейтингни баҳолаш услубияти Рейтингнинг жорий даври учун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини умумлаштириш ҳамда таққослашга йўналтирилган ҳужжатдир.

Услубиятда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари улар ўхшашлиги аломатларига боғлиқ ҳолда гуруҳларга бўлинади, улар Рейтинг мақсадларида "параметр" деб номланади. Ҳар бир параметр аудиторлик ташкилоти фаолияти якунларининг бир нечта миқдор

ва сифат кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда Рейтинг коэффиценти деб аталади.

Рейтинг якунлари ҳисоб-китоби давомида ҳар бир коэффицентга муайян баллар берилади, улар кейинроқ ҳар бир параметр бўйича умумий балл ҳисоб-китоби учун ўртача миқдорда келтирилади. Барча параметрларнинг умумий балларини ўртачалаштириш воситасида аудиторлик ташкилотининг умумий якуний рейтинг бали чиқарилади.

Коэффицентлар ва параметрларнинг аниқ рўйхати, умумлаштирилган ва ўртачалаштирилган баллар ҳисоб-китоби тартиби Рейтингни баҳолаш услубиятида келтирилади.

Аудиторлик ташкилотларининг миллий рейтинги асосига республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тавсифловчи таққосланадиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари қўйилган.

Ҳар бир алоҳида олинган коэффицент бўйича аудиторлик ташкилотларининг энг яхши кўрсаткичлари эталон деб ҳисобланади. Бошқа аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг натижалари бўйича олинган коэффицентлар ушбу эталон билан солиштирилади.

Рейтингда аудиторлик ташкилотлари ёки аудиторлик-консалтинг гуруҳларининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалари иштирок этадилар.

Аудиторлик ташкилотлари рейтинги лицензия турига боғлиқ ҳолда гуруҳлар бўйича ўтказилади:

- барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари "А" индексини оладилар;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг, бундан устав капитали 500 млн сўмдан кўп бўлган ОАЖлар, банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно, ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари "В" индексини оладилар;

- фақат ташаббусли аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари "С" индексини оладилар.

2.2. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашда баҳолаш мезонларини қўллаш

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидаги параметрлар ва коэффициентларга гуруҳланади:

1. Миқёслилик (Км):

- устав капитали миқдори шакллантириш санасида энг кам иш ҳақи миқдорига каррали миқдорда (М1);
- бажарилган бир шартноманинг ўртача қиймати (М2);
- жами тушум (М3);
- соф фойда (М4);
- юридик шахс ҳисобланмаган филиаллар миқдори (М5);
- ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этиб бажарилган аудиторлик хизматлари ҳажми;
- ёрдамчи пудрат асосида бажарилган аудиторлик хизматлари ҳажми.

2. Кадрлар салоҳияти (Кк):

- ташкилот раҳбарини муваффақиятли аттестациялаш (К1);
- сертификатланган аудиторлар сони (К2);
- халқаро тан олинган сертификатли мутахассислар миқдори (К3);
- аудит бўйича ички стандартлар ва ўз ўқув-услубий қўлланмаларининг мавжудлиги (К4);
- штатда халқаро аудит тажрибасига эга бўлган аудиторларнинг мавжудлиги (К5);
- аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида штатдаги аудиторларнинг ўртача иш стажи (К6).

3. Фаолиятни диверсификациялаш (Кд):

- ўтган йилга нисбатан тушумнинг ўсиши (Д1);
- халқаро лойиҳалар аудити, МҲХС ва ХАС бўйича хизматлар (Д2);
- кредит муассасалари аудити (Д3);
- суғурта ташкилотлари ва инвестиция институтлари аудити (Д4);

- устав капитали 500 млн сўмдан зиёд бўлган акциядорлик жамиятлари аудити (Д5).

4. Имижни йўқотмаслик (Кн):

- реклама ва вакиллик харажатлари миқдори (Н1);
- касбий ташкилотларга аъзолик (Н2);
- ўз офисининг мавжудлиги (Н3);
- офисни ижарга олиш харажатлари (Н4);
- оммавий фаолият (чоп этилган мақолалар, китоблар, семинарлардаги чиқишлар, дарс бериш) (Н5).

5. Барқарорлик (Кб):

- соф активлар миқдори (Б1);
- уларнинг услубиятидан фойдаланиш ва уларнинг сифат ташқи назорати тизимидан ўтиш ҳуқуқи билан бирга аудиторлик фирмаларининг халқаро ёки миллий тармоғига кириш (Б2);
- сифатнинг ташқи назоратидан ўтиш (Б3);
- кадрларни тайёрлаш харажатлари (Б4);
- аудит бозоридаги фаолият муддати (Б5);
- штатдаги аудиторлар иш ҳақининг ўртача миқдори (Б6).

Аудиторлик ташкилотларининг рейтинги аудиторлик ташкилотларини демпинг сиёсатини қўлламаслик, касбий ташкилот аъзоси бўлиш, ўз фаолиятини пухта ва ошкора амалга ошириш, ўз кадрлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўз фаолиятини диверсификациялашга қизиқтиришга йўналтирилган.

Параметрларнинг коэффицентлари

Ҳар бир параметрнинг аҳамиятига сифат баҳосини бериш учун уларга муайян коэффицент берилади:

1. Миқёслилик - 0,2;
2. Кадрлар салоҳияти - 0,03;
3. Фаолиятни диверсификациялаш - 0,2;
4. Имижни йўқотмаслик - 0,05;

5. Барқарорлик - 0,25.

Рейтингни баҳолаш ҳисоб-китоби

Умумий кўринишда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг таққосланадиган рейтинг баҳоси алгоритми қуйидаги амалларнинг кетма-кетлиги кўринишида тақдим этилади:

1. Аудиторлик ташкилотларининг маълумотлари матрица (a_{ij}), яъни сатрлар бўйича параметрлар номи ($i=M, K, D, H, B$), устунлар бўйича эса аудиторлик ташкилотлари номи ($j = 1, 2, 3, \dots m$) ёзилган жадвал кўринишида тақдим этилади.

2. Ҳар бир параметр бўйича энг юқори қиймат жойлашади ва шартли эталон аудиторлик ташкилоти устунига киритилади ($m+1$).

3. Матрицанинг бошланғич кўрсаткичлари эталон j -нчи аудиторлик ташкилотининг тегишли кўрсаткичига нисбатан қуйидаги формула бўйича стандартлаштирилади:

$$x_{ij} = \frac{a_{ij}}{\max_j a_i}$$

бу ерда - j -нчи аудиторлик ташкилоти ҳолатининг стандартлаштирилган кўрсаткичлари.

4. Ҳар бир таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилоти учун унинг рейтинг баҳоси қиймати қуйидаги формулалардан бири бўйича аниқланади:

$$R_j = \sqrt{a_{1j}^2 + a_{2j}^2 \dots + a_{mj}^2} \quad (A),$$

$$R_j = \sqrt{k_1 a_{1j}^2 + k_2 a_{2j}^2 + \dots + k_m a_{mj}^2} \quad (B),$$

$$R_j = \sqrt{k_1 (1 - x_{1j})^2 + k_2 (1 - x_{2j})^2 + \dots + k_m (1 - x_{mj})^2} \quad (C)$$

бу ерда x_{1j} , x_{2j} ... x_{mj} - j -нчи таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилотининг стандартлаштирилган кўрсаткичлари ва k_1 , k_2 , ... k_m параметрлар кўрсаткичларининг вазн коэффициентлари.

(А) формуласи j -нчи таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилоти учун рейтинг баҳосини координаталар бошидан энг кўп узоқлашуви бўйича аниқлайди. Бир томонга йўналган барча кўрсаткичлар бўйича жами натижаси қолганларникидан юқори бўлган аудиторлик ташкилоти энг юқори рейтингга эгадир.

(В) формуласи (А) формуласининг бир туридир. У эксперт йўли билан аниқланадиган кўрсаткичларнинг аҳамиятини ҳисобга олади. Айрим кўрсаткичлар учун коэффициентларни жорий этиш зарурати Рейтинг истеъмолчиларининг эҳтиёжларига мувофиқ баҳони табақалаштираётганда пайдо бўлади.

(С) формуласи ҳам Рейтинг асосий формуласининг ўхшаш тури ҳисобланади. У аудиторлик ташкилоти - эталонга нисбатан рейтинг баҳоси ҳисоб-китобида айрим кўрсаткичларнинг аҳамиятини ҳисобга олади.

5. Аудиторлик ташкилотлари рейтинг баҳосининг ўсиш тартибида ҳисобга олинади. R энг кўп қийматига эга бўлган аудиторлик ташкилоти энг юқори рейтингга (1 ўрин) эга бўлади.

Услугият аудиторлик ташкилоти фаолиятига баҳо беришда комплекс, кўп ўлчовли ёндашувга асосланади.

Рейтинг баҳоси аудиторлик ташкилотларининг расман олинган ҳисоботлари (материаллари) асосида амалга оширилади. Унинг ҳисоб-китоби учун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан фойдаланилади. Шунингдек ҳар бир кўрсаткич, параметрнинг аҳамиятини белгилайдиган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

2.3. Аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш ва табақалаштириш жараёни

Мамлакатимизда аудиторлик ташкилотларининг рейтингини мунтазам

таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, рейтинг учун аудиторлик ташкилоти фаолиятини баҳолашда мезон сифатида кўламдорлик, кадрлар салоҳияти, фаолиятни диверсификациялаш, имижни қўллаб-қувватлаш, барқарорлик кўрсаткичлари⁸ таҳлили қуйидагиларга гувоҳлик беради, (3-жадвал). Жадвал маълумотларидан, рейтинги аниқланган 107 ташкилотнинг жами 32 таси А гуруҳи, 32 таси В гуруҳ, 32 таси С гуруҳ ва 11 таси D гуруҳига мансуб экан деган хулоса чиқариш мумкин бўлади.

3-жадвал

2012 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотлари рейтинги⁹

Ҳажми	0,20	0,30	0,20	0,05	0,25	1,00
Лицензия турларини бўйича	Кўлам-дорлик	Кадрлар салоҳияти	Фаолиятни диверсификациялаш	Имижни қўллаб-қувватлаш	Барқарорлик	Яқун
1. Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари						
A гуруҳи	23 та					40-52 балл
B гуруҳи	20 та					26,2-39 балл
C гуруҳи	21 та					20-26,1 балл
D гуруҳи	5 та					0-19 балл
2. Ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари						
A гуруҳи	3 та					47-56 балл
B гуруҳи	5 та					29-46 балл
C гуруҳи	2 та					15-28 балл
D гуруҳи	2 та					0-14 балл
3. Ташаббусли аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари						
A гуруҳи	3 та					36-48 балл
B гуруҳи	7 та					24-35 балл
C гуруҳи	9 та					13-23 балл
D гуруҳи	4 та					0-12 балл
3. Халқаро аудиторлик ташкилотлари						
A гуруҳи	3 та					55-81 балл
B гуруҳи	-					34-54 балл
C гуруҳи	-					25-33 балл
D гуруҳи	-					0-24 балл
Жами:	107 та қатнашди					

Бироқ, бизнингча, ушбу аудиторлик ташкилотларини рейтингини аниқлаш тартиби улар қобилиятини тўлиқ ифода этмайди. Шу боис, аудиторлик ташкилотларининг маълум бир муддатга (олти ой, бир йил) маълум тартиб ва қоидаларга кўра аниқ мезонлар асосида рейтингини

⁸ 2007 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтинг баҳоси. //Солиқ ва божхона хабарлари. Тошкент, 2008. - №51(751). -Б. 4.

⁹ 2013 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтинг баҳоси. //Солиқ ва божхона хабарлари. Тошкент, 2013. - №51(751). -Б. 4.

аниқлаш улар ҳолатининг йиғма баҳосини ифодалайди. Афсуски, шу пайтгача аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлаш методикаси ва уни амалга ошириш тартиби етарли даражада пухта ишлаб чиқилмаган.

Ҳозирги кунда рейтинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси ва Ўзбекистон Бухгалтерлар палатаси ва аудиторлар миллий ассоциацияси билан келишган ҳолда халқаро тажриба асосида (рэнкинг) амалга оширилиши белгиланган.

Унинг намунавий мезонлари ҳам 2008 йил июн ойида чоп этилган “Солиқ ва божхона хабарлари” газетасида берилган эди. Унга кўра, 2008 йил сентябр-октябр ойларида рейтингнинг илк натижалари чоп этилиши керак. Бизнингча, аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашда энг аниқ мезонлар сифатида қуйида келтирилган жадвал батафсил маълумот беради, (4-жадвал).

Ушбу жадвални бошқа омиллар (молиявий хизматлар бозорида фаолият узлуксизлиги)ни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш мумкин. Шу боис, асосий кўрсаткичлар асосида рейтинг методикасини мукаммал ишлаб чиқиш зарур.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларини текширишга асосланган аудиторлик ташкилотлари ҳамда аудит тури хусусиятларини эътиборга олган ҳолда маълумотларни жадвалга тўғри киритиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу жадвални Республикамизнинг турли вилоятлари бўйича ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича тузиш мумкин. Бунда шунга аҳамият қаратиш керакки, маълумотларни, шу жумладан, молиявий ҳисоботларни тегишли солиқ идоралари томонидан тасдиқланган нусхаларини олиш керак.

Маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги номдаги жадвалларни тузиш имконияти яратилади:

1. Ўзбекистон Республикаси йирик аудиторлик ташкилотлари;

2. Ўзбекистон маҳаллий молиявий хизматлар бозорида фаол аудиторлик ташкилотлари.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш ва табақалаштириш жадвали¹⁰

№	Мезонлар	Ташкилотнинг рейтингини аниқлаш асоси
1.	Молиявий хизматлар бозорида ташкилот қанча муддатдан буён фаолият кўрсатади (01.01.2009 й.га)	
2.	Ташкилотнинг асосий фаолият соҳаси (рейтинг жадвалида эълон қилиш учун қисқача маълумот)	
3.	Штатдаги аудитор, аудитор ёрдамчиси ва ишчи-ходимларнинг сони	
4.	Малака сертификатига эга аудиторлар сони	
5.	Жалб қилинган аудиторлар сони	
6.	Касбга доир хизматларни кўрсатиш учун жалб қилинган эксперт ва мутахассислар сони	
7.	Хизматларни кўрсатиш ҳудуди (корпоратив тоифа индексига таъсир қилади: А-Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ давлатлари бўйича; Б-Фақат Республика вилоятида; В-Фақат Республика вилоятининг туманида)	Аудиторлик хизмати кўрсатилган миқозлар сони (2008 йилда)
8.	Хизмат кўрсатиладиган иқтисодиёт тармоғи: сектори ва сегменти	(кўрсаткичлар миқозлар базасини синфли таҳлил қилишда фойдаланилади ҳамда унинг натижаси ички корпоратив индексга таъсир кўрсатади) Миқозлар сони (2008 йилда)
9.	Миқозлар базаси	(кўрсаткичлар буюртмачиларни синфли таҳлил қилишда фойдаланилади ҳамда унинг натижаси ички корпоратив индексга таъсир кўрсатади) Миқозлар сони (2008 йилда)
10.	Йиллик тузилган аудиторлик хулосаларининг сони: - ижобий; - салбий;	
11.	Фаолият активлиги, корпоратив обрўйи, PR-, GR-, IR-репутацияси	(рейтинг, тендер, конкурс ва умумжамоа бирлашмаларда доимий қатнашиш ички ва ташқи корпоратив индексга таъсир қилади, бунда +, ++, +++ лар уларнинг иш фаолияти фаоллигининг ошишига қараб қўшиб борилади, акс ҳолда айирилади)
12.	Шўъба жамиятлари, филиал ва аффилиланган компанияларининг мавжудлиги	корпоратив индексга таъсир қилади. Филиаллари сони, ҳудудни қамраб олиш даражаси ва аффилиланганлигига қараб А, Б ёки В тоифадаги корпоратив индексга +, ++, +++ лар қўшилади.
13.	Филиал, бошқарма ва бўлимларнинг сони (Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳудудларида, бошқа мамлакатларда, сони ва номини келтиринг)	(кўрсаткичлар молиявий коэффициентларни ўтган йилга таққослаш мақсадида ҳамда аудиторлик хизматлари бозори бўйича маълумотлар олиш учун фойдаланилади)
14.	Шўъба ва қарам жамиятларининг сони (Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳудудларида, бошқа мамлакатларда, сони ва номини келтиринг)	
15.	Аффилиланган компаниялари сони (Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳудудларида, бошқа мамлакатларда, сони ва номини келтиринг)	
16.	Устав капитали (сўмда): 01.01.2007 йилга; 01.01.2008 йилга; 01.01.2009 йилга.	
17.	Номоддий активлари: - патент, лицензия ва товар белгилари (хизмат белгилари), ҳамда бошқа ҳуқуқ ва актлар (сўмда); - ташкилот иш фаолияти репутацияси.	
18.	Хизмат кўрсатишдан ялпи тушуми (нетто) (қўшилган қиймат солиғи ва акцизни чегириб ташлаган ҳолда), (сўмда): 01.01.2007 йилга; 01.01.2008 йилга; 01.01.2009 йилга.	(кўрсаткичлар молиявий коэффициентларни ўтган йилга таққослаш мақсадида ҳамда аудиторлик хизматлари бозори бўйича умумлашган маълумотлар олиш учун фойдаланилади)
19.	Соф фойда (сўмда): 01.01.2007 йилга; 01.01.2008 йилга; 01.01.2009 йилга.	(кўрсаткичлар фақат умумлашган ҳолда ўтган йилга таққослаш мақсадида ҳамда аудиторлик бизнесининг даромадлилик даражасини, унинг графикда акс эттирилиши бўйича зарарсизлик нуқтасини топиш учун фойдаланилади)
20.	Ташқи аудит текширувидан тушган тушум (сўмда): 01.01.2007 йилга; 01.01.2008 йилга; 01.01.2009 йилга.	(аудиторлик хизматлари бозори сегментлари бўйича таққосий таҳлил ўтказиш мақсадида ҳамда аудиторлик фаолиятини ўтган йил маълумотларига таққослаш мақсадида фойдаланилади)
21.	Аудиторлик хизматларига (ихтисосликлар бўйича) ташкилот умумий оборотининг тўғри келадиган ўртача суммаси (сўмда)	

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

	ва улуши (%да): - Умумий аудит (шу жумладан, ҳўжалик юритувчи субъектлар аудити, суғурта ташкилотлари аудити, биржа, бюджетдан ташкари фондлар ва инвестицион институтлар аудити); - банк аудити; - бошқа (кўрсатинг).	
22.	Фаолиятнинг бошқа турларидан тушган йиллик тушум: - Касбга доир хизматлар (сўмда); - бошқа (кўрсатинг) (сўмда).	(фаолиятнинг бошқа турларини аудиторлик хизмати молиявий кўрсаткичларига таққослаш ва таҳлил ўтказиш учун фойдаланилади)
23.	Фаолиятнинг барча турлари бўйича тушган ялпи тушумнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (ўртача)	
24.	Ташки аудит текширувини ўтказиш натижасида тушган ялпи тушумнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (ўртача)	
25.	Бир аудиторга тўғри келадиган ўртача тушум: 01.01.2007 йилга; 01.01.2008 йилга; 01.01.2009 йилга.	
26.	Бир аудиторнинг бир соат иш вақтига тўланадиган маошнинг ўртача миқдори (сўмда): 2007 йилда; 2008 йилда.	
27.	Реклама харажатлари (сўмда, маълумотлар чоп этилмайди): 2008 йилда содир этилган реклама бюджети; 2009 йилга режалаштирилган реклама харажатлари.	
28.	Аудиторлик хизматларига талабнинг баҳоланиши: - асосий хизматларнинг қиймати, баҳо белгилашнинг асосий тамойиллари.	
29.	Рақобатбардошлик: - ташкилотнинг асосий рақобатдаги устунлиги.	
30.	Интернет-технологияси: - интернет-сайтининг рақобатдаги устунлиги (агар ишланаётган бўлса, сайт очилишининг тахминий вақти)	
31.	Ташкилотнинг янги мижозларни жалб қилиш ва аввалги мижозлар учун бонусли-дисконт сиёсати	
32.	Ташкилот ҳақидаги қўшимча маълумотлар (қисқача таништирув) [маърузалар, оммавий корпоратив нашрлар, китоблар, чиқишлар, эксперт анкеталари, Power Point презентация материаллари, шу жумладан, реклама материаллари, слайд шоулар, Бренд буклар (Brend-book), рангли чизма, жадвал ва графиклар, ўтказилган PR-, GR-, IR-акциялар ва амалга оширилган маркетинг тадқиқотлари ва ҳ.к.лар].	
33.	Анкетани тўлдирган масъул ва жавобгар шахс, санаси (Ф.И.Ш. тўлиқ), (иш, мобил ва уй) телефони.	

Таҳлилий хулосалар асосида қуйидаги номда диаграмма ва чизмалар тузиш имконияти яратилади:

1. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматларининг соҳалар бўйича динамикаси;
2. Аудиторлик хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг асосий кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси;
3. Аудиторлик ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги салмоғи;
4. Аудиторлик ташкилотларининг маҳаллий бозори таркиби;
5. Мижозлар томонидан аудиторлик ташкилотларини танлашга таъсир этувчи омиллар ва ҳ.к.лар.

Бизнингча, мижозларнинг фикр ва тавсиялари рейтингни аниқлашда эътиборга олиниши керак. Чунки, аудиторларга ҳақиқий баҳо беришда улар фикрларининг аҳамияти бекиёс. Рейтинг натижаларини таҳлил қилиш молиявий хизматлар бозорида аудитнинг янги турларини кашф қилишга, аудит соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш ва унинг жадаллик билан ривожланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, аудит соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Ҳисобот йилида рейтинг аниқлаш жараёнини авваламбор икки омил бўйича амалга ошириш зарур:

1. Аудиторлик ташкилотларининг комплекс корпоратив ички кўрсаткичлари (молия-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, ички ресурс омиллари);

2. Ташкилотнинг ташқи фаолият активлиги (ривожланишга сарфланган харажатнинг улуши ва ташқи ресурс омиллари).

Бу икки гуруҳ омилларининг уйғунлиги ташкилотнинг мижозлар томонидан иқтисодий салоҳиятини аниқлашда ва уларни тўғри танлашда жуда қўл келади.

Молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларига молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва бошқа молиявий ҳолатини аниқловчи коэффициентлар киради. Таҳлил ишлари қуйидаги кўрсаткичларни тақдим этиш натижасида амалга оширилади:

1. Аудиторлик фаолияти юзасидан иш ва хизматлар бўйича йиллик тушум:

- аудиторлик хизмати бўйича;
- касбга доир профессионал хизматлар бўйича;

2. Аудиторлик фаолияти юзасидан хизматлари бўйича йиллик тушумнинг ўтган йилга нисбатан ошган қисми;

3. Бир аудиторга тўғри келадиган йиллик ўртача тушум;

4. Бир аудиторнинг 1 соат сарфлаган вақти юзасидан ўртача иш ҳақи миқдори;

5. Фойда;
6. Устав капитали;
7. Суғурта бўйича маълумот;

Ички ресурс омилларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Молиявий хизматлар бозорида аудит соҳаси бўйича ташкилотнинг фаолият кўрсатиш давомийлиги;
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик лицензиясининг мавжудлиги;
3. Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган хизмат кўрсатиш белгиларининг мавжудлиги;
4. Штатдаги ходимлар сони;
5. Штатдаги аудиторлар сони;
6. Жалб қилинган аудиторлар ва аудитор ёрдамчилари сони;
7. Жалб қилинган мутахассис ва экспертлар сони;
8. Асосий фаолият турлари;
9. Хизматлар турлари бўйича ихтисослашуви.

Аудиторлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштиришга қилинадиган харажатлар улуши қўйидагиларни назарда тутди:

1. Хизматларни ва ташкилотни реклама қилишга сарфланган маблағлар;
2. Аудит технологиясининг мавжудлиги (Интернет сайти, ўқув қўлланмалар, текширув дастурлари).

Ташқи ресурс омилларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Аффилланган ташкилотларининг мавжудлиги (филиал ва шўъбалар сони);
2. Хизмат кўрсатиш объектлари;
3. Хизмат кўрсатиладиган иқтисодиёт тармоғи;
4. Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги мижозлар сони.

Бизнингча, рейтинг натижаларини баҳолаш ва эълон қилишда халқаро рейтинг ташкилотлари тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу боис, қуйидаги жадвални келтирамиз, (5-жадвал).

5-жадвал

Аудиторлик ташкилотлари рейтингни баҳолаш ва табақалаштириш индекслари¹¹

Индекс	Индекс мазмуни
Корпоратив кўрсаткичлар	
№	Молиявий хизматлар бозорида аудит соҳаси бўйича фаолиятининг йиллари сони
(№)	Охирги марта рўйхатдан ўтгандан сўнг бозордаги фаолиятининг йиллари сони
n/n/n/n	Штат бўйича ходимлар сони
	Штатдаги малака сертификатиغا эга аудиторлар сони
	Жалб қилинган бошқа аудиторлар сони
	Бошқа касбга доир профессионал хизматларни кўрсатишда жалб қилинган эксперт ва мутахассислар сони
Корпоратив тоифаси	
A	Ташкилотнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича, шу жумладан, МДХ ва хорижий давлатлар ҳудудида фаолият кўрсатиши ҳамда унинг филиаллари, бошқармалари, бўлимлари, шўъба ва қарам жамиятларининг мавжудлиги
B	Ташкилотнинг фақат ўз ҳудудида ва Республика вилоятида фаолият кўрсатиши
B	Ташкилотнинг фақат ўз ҳудудида ва туманда фаолият кўрсатиши
Ички корпоратив ресурс индекси	
1	Ташкилот йирик корпоратив ресурсга эга
2	Ташкилот етарли корпоратив ресурсга эга
3	Ташкилот қониқарли корпоратив ресурсга эга
Ташқи корпоратив ресурс индекси	
1	Ташкилот йирик корпоратив ресурсга эга, чунки ўзига жалб қилувчи юқори обрўга ва юқори иш фаоллик коэффициентиغا эга ҳамда ахборот технологиялардан кенг фойдаланади.
2	Ташкилот етарли корпоратив ресурсга эга, чунки яхши обрўга ва ўртача иш фаоллик коэффициентиغا эга ҳамда ахборот технологиялардан кам фойдаланади.
3	Ташкилот қониқарли корпоратив ресурсга эга, чунки қониқарли обрўга ва қониқарли иш фаоллик коэффициентиغا эга ҳамда бозорда ўз истикболлини юксалтириш йўлида ахборот технологиялардан умуман фойдаланмайди.
Рақобат устунлиги ва қўшимча белгилар	
++	Ташкилот эксклюзив корпоратив ресурсга эга, чунки рақобатбардошликда устунлиги юқори
+	Ташкилот қўшимча имкониятларга эга, чунки рақобатбардошликда устунлиги етарли даражада
-	Ташкилотга давлат назорат органлари ва мижозлар томонидан эътирозлар мавжуд
Дисконт индекси	
%	Ташкилот мижозлар учун дисконт дастурини амалга оширади ёки унда қатнашишни режалаштиради
InRUz индекслари	
+++	Ташкилотнинг кўрсаткичлари унга даъвогарлик бўйича InRUzA (Аудит) ва InRUzK (Касбга доир хизматлар) индекслари таркибига киришни белгилайди

Аудиторлик текшируви, профессионал ва бошқа молиявий

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хизматларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, танлашдаги устунлик яна рейтинг индексларида қолмоқда. Айнан улар аудиторлик шартномасини имзолашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, бу механизмнинг ишга тушиши билан эркин рақобат муҳити яратилади, адолатли иш ҳақини ўрнатишга рағбат шаклланади, аудиторлик ташкилотлари ўртасида манфаатдорлик ва унинг ҳимояси кучаяди.

Таъкидлаш жоизки, барча рейтингни аниқлаш методикасининг асосида молиявий, статистик ва бошқа ахборотларни ўрганиб, уни йирик ҳажмли таҳлил қилиш ва бунда таҳлилий амаллардан фойдаланиш ишлари ётади. Натижада, унинг қатнашувчилари бўйича тегишли хулосалар чиқариш имконияти яратилади. Бундан ташқари, ушбу тартиб аудиторлик ташкилотини демпинг сиёсатини қўлламасликка, профессионал ташкилотлар аъзоси бўлишга, пухта ва ошқора ишлашга, ўз ходимларини кадрлашга, ўз фаолиятини диверсификациялашга қизиқтириш мақсадини ҳам кўзлайди.

II боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг 2-бобида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг ҳозирги ҳолати ёритилган. Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан назарий, ҳуқуқий-меёрий, амалий ташкил этиш жиҳатларини илмий асосланган ҳолда такомиллаштиришга боғлиқ. Бу борада сўнги йилларда аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини ишончлилигини тасдиқлаш, уларни таҳлил этиш, хўжалик фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик хизматларига бўлган талабини ва ишончини ошишига хизмат қилади.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингини уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларига таяниб, қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлари асосида таҳлилий жадвал ёрдамида комплекс ва тизимли анкета ўтказиш орқали имкониятларини аниқлаш мумкин. Рейтингнинг кўтарилиши ва пасайиши ташкилотнинг ривожланиш динамикасини белгилайди. Ҳар бир ташкилотнинг рейтинг индекси алоҳида, индивидуал бўлиши шарт. Ушбу ёндашув ҳар бир аудиторлик ташкилотини алоҳида тизимли таҳлил қилишга шароит яратади.


III боб. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашни такомиллаштириш

3.1. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг хорижий тажрибаси

Аудиторлик хизматлари бозорида ўз иш фаолияти юзасидан етакчилик қилаётган аудиторлик ташкилотлари корпоратив тоифалар (А, Б, В) бўйича алоҳида гуруҳланади. Молиявий хизматлар бозори динамикаси ва тармоқнинг ривожланиш истикболини комплекс ақс эттиришда ташкилотларнинг махсус кўрсаткичлари бўйича индекслар: InRUzA (Аудит учун), InRUzK (Касбга доир хизматлар учун) ижобий натижани (+) билан салбий натижани эса (-) билан ифода этилади. Ҳар бир ташкилот бўйича ҳисобланган рейтинг индексларининг ялпи жамламаси бошқа кўрсаткичларга қараганда ишончли индикатор бўлиб ҳисобланади. Молиявий хизматлар бозорида аниқланадиган умумий тенденцияда ўзгарувчан катталиклар фақат шу тизим туфайли статистик нобарқарор катталик (масалан, ялпи тушум) таъриф индексига ўтиши таъминланади. Шу боис, индекслар InRUzA (Аудит учун), InRUzK (Касбга доир хизматлар учун) ва бошқалар стратегик мақсадларига кўра фонд индексларига яқинлашади. Аммо, уларнинг катта ёки кичиклиги аниқ бир хизматнинг қийматини ақс эттирмайди, фақат ташкилот кўрсаткичларининг кўпайиши, камайиши ёки барқарорлигини белгилайди. Бундай ҳолда, индекснинг абсолют қиймати эмас, фақат унинг ўзгариши (худди барча фонд индекслари MMBБ, РТС, Dow Jones Index, S&P, NASDAQ, Nikkei ва бошқалар каби) умумбозор тенденциясида кўтарилиш ёки пасайиш асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Аудит ва касбга доир хизматлар соҳаси бўйича етакчи хорижий агентликлар ва нашриётлар сифатида «International Accounting Bulletin» (жаҳоннинг йиллик йирик аудиторлик ва касбга доир профессионал хизматлар кўрсатувчи фирмалари), «Consultants News» (50 та йирик фирмалар рейтинги), «Management Consultant International» (45 та йирик профессионал хизматлар кўрсатувчи компания ва ташкилотлар рейтинги), «Vault» компанияси (жаҳоннинг 760

профессионал хизматлар кўрсатувчи компания ва ташкилотларидан 50 та энг нуфузли компанияларнинг йиллик рейтинги)ни келтириш мумкин. Ташкилотнинг нуфузи 10 балли шкала билан ўлчанади, сўнгга қатнашчилар ўртасида нисбий баҳо берилади. Рейтинг агентликлари «Standard&Poor`s» - <http://www.standardandpoors.ru>, «Mood`s» - <http://www.moods.com>, «Fitch Ratings» - <http://www.fitchratings.com> кабиларнинг рейтинг кўрсаткичлари бизнесда жуда амалий аҳамиятга эга ва ташкилотлар унга эга бўлишлари билан уларнинг нуфузи янада ортади.

Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши йирик трансмиллий фирмаларнинг вужудга келишига олиб келди. Бундай аудиторлик фирмалари ичида энг йириклари қуйидагилар:



3-чизма. Халқаро аудиторлик ташкилотларининг «Катта тўртлик» гуруҳи таркиби¹².

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Улар ҳақиқатан ҳам бутун дунёда обрў қозонган монополистлар бўлиб, санаб ўтилган тўртта фирма жамланган ҳолда – халқаро аудиторлик-консультацион бизнеснинг тан олинган ва тажрибали лидери ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган фирмаларнинг ҳар бири турли мамлакатларда кўплаб офисларга эга бўлиб, уларнинг барчаси қасамёд қилган бухгалтерлар институтининг аъзоси ҳисобланади. «Катта тўртлик» йирик мижозларнинг тахминан 90% ига хизмат кўрсатади. Бу фирмалар йирик халқаро лойиҳаларни бажариш имконига эга бўлиб, деярли барча турдаги консультация-аудиторлик хизматларини кўрсатади. Агар ўз ходимлари етишмаса, бошқа фирмалардан зарур мутахассислари, шу жумладан, бундай лойиҳаларни бажаришда иштирок этиш учун иқтисодий-ҳуқуқий хусусиятлари билан яхши таниш бўлган тадбиркорлар ёки у ёки бу мамлакатнинг ҳокимият ходимлари ҳам жалб қилинади.

Аммо улар ҳам Ғарб мамлакатларида бутун аудиторлик бозорини қамраб ололмайди. Бундай йирик, жаҳон аудиторлик фаолиятида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган ва трансмиллий корпорациялар ҳисобланган фирмалардан ташқари, деярли ҳамма мамлакатларда ўрта фирмалар ҳамда аудитдан ажралиб чиққан аутсайдерлар мавжуд. Бундай унча катта бўлмаган аудиторлик фирмалари давлат томонидан қўллаб-қувватланса, улар яхши фаолият кўрсатадилар.

PricewaterhouseCoopers аудиторлик компанияси иккита компания - Price Waterhouse and Coopers & Lybrand бирлашувидан келиб чиққан. 1849 йилда Самуэль Прайс Лондонда ўз бизнесини очган. 1854 йилда Уильям Купер Лондонда компанияси ишини йўлга қўйган. Йиллар давомида улар томонидан ташкил қилинган фирмалар ўз фаолиятини кенгайтириб борди. Ва 1998 йилда Ушбу икала компания бирлашиб, «PricewaterhouseCoopers» аудиторлик компанияси ташкил топди.

«Прайс Уотерхаус Куперс» аудиторлик компаниясининг асосий аудит йўналишлари қуйидагилар:

- умумий аудит;

- банк аудити;
- инвестиция муассасалари аудити;
- консалтинг ва бошқалар.

1845 йилда 25 ёшли Уильям Делойт Лондонда ўзининг бухгалтерия фирмасини очган. Георг Туш 1883 йилда Эдинбург университетини тугатиб, бухгалтер даражасига эришган. 1900 йилда у Жон Нивен билан биргаликда Нью-Йоркда «Touch, Niven & Co» бухгалтерия фирмасини очган.

Нобузо Томацу 1952 йилда 57 ёшида Лондонда сертификатланган жамоатчи бухгалтер мақомига эга бўлган ва хусусий корпорация очган. Кейинчалик уччала бухгалтернинг компаниялари бирлашиб, «Deloitte and Touche Tohmatsu International» аудиторлик компаниясининг вужудга келишига асос бўлган.

«Делойт ва Туш» аудиторлик компаниясининг асосий аудит йўналишлари қуйидагилар:

- умумий аудит;
- банк аудити;
- консалтинг ва бошқалар.

А.С.Эрнст ва Артур Янг турли хил одамлардир. Янг 1863 йилда Шотландияда туғилган ва Глазго Университетини тугатган. У 1906 йилда АҚШнинг Чикаго шаҳрига кўчиб бориб, «Arthur Young & Co» бухгалтерия фирмасини очган.

А.С.Эрнст 1881 йилда АҚШнинг Клевеленд шаҳрида туғилган. 1903 йилдан бошлаб акаси Теодор билан ҳамкорликда бухгалтерия ишлари билан шуғуллана бошлаган. Эрнст акаси Теодор билан биргаликда бухгалтерия фирмасини очиб иш юритган. А.С.Эрнст ва Артур Янг ҳаётда бир-бири билан учрашмаган. Иккаласи ҳам 1948 йилда вафот этган. Аммо А.С.Эрнст ва Артур Янг очган бухгалтерия фирмалари кейинчалик гуркираб ривожланган ва 1989 йилда улар бирлашиб, «Ernst & Young» аудиторлик компаниясининг вужудга келишига сабаб бўлган.

«Эрнст ва Янг» аудиторлик компаниясининг асосий аудит йўналишлари қуйидагилар:

- умумий аудит;
- мулклар баҳолаш ва аудитини ўтказиш;
- суғурта компаниялари аудити;
- консалтинг ва бошқалар.

KPMG – аудиторлик компанияси асосчилари фамилиясининг бош ҳарфлари қисқартмасидан олинган.

«К» - Клинфельд. Пит Клинфельд Голландияда «Klynveld Kraayenhof & Co.» бухгалтерия фирмасини очган ва кейинчалик у Нидерландияда KPMG номи билан иш бошлашида асос бўлган.

«Р» - Пит. Уильям Барклай Пит 1870 йилда Лондонда «William Barclay Peat & Co» бухгалтерия фирмасини очган.

«М» - Марвик. Джеймс Марвик Роджер Митчелл билан биргаликда 1897 йилда Нью-Йоркда «Marwick, Mitchel & Co» бухгалтерия фирмасини очган.

«G» - Герделер. Райнхард Герделер кўп йиллар давомида KMGни вакили бўлиб ишлаган. У KPMGни бирлашишига асос солган. 1987 йилда PMI ва KMG битта компанияга – KPMGга бирлашган.

«КПМЖ» аудиторлик компаниясининг асосий аудит йўналишлари қуйидагилар:

- умумий аудит;
- банк аудити;
- биржалар ва инвестиция муассасалари аудити;
- суғурта компаниялари аудити;
- консалтинг ва бошқалар.

Аудиторлик компаниялари аслида қандай эҳтиёжларни қондириши ва бизнесдаги омадини асосий омили нима билан боғлиқ эканлигини яхшироқ тушуниш учун аудитнинг ривожланиш тарихига назар ташлаш лозим.

Аудит, ўзининг замонавий бизнесдаги маъно ва моҳиятида қарийб юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида мавжуддир. Аудитнинг юзага келиши

капитализмнинг ривожланиши, йирик капиталнинг пайдо бўлиши ва акционерлик жамиятларининг юзага келиши билан боғлиқ. Айнан шу даврда корхоналарни бошқарувчилари ва эгаларининг манфаатларини ажралиши рўй берди. Шунинг билан ҳисоб юрити-лишининг тўғрилигини текширувчи ва бу ҳақида компания эгаларига ҳисобот берувчи мустақил ҳакамга бўлган зарурат туғилди. Шу тарзда аудиторларнинг асосий вазифаси корхонадаги молиявий ҳисоб юритилишининг тўғрилигини тасдиқлаш орқали мулкдор манфаат-ларини ҳимоя қилиш бўлиб қолди. Аммо аудиторлар ҳисобнинг тўғри юритилишини текшириш тўғрисидаги бевосита ҳисоботдан ташқари ушбу ҳисоботга муайян номоддий активни, аниқроқ қилиб айтганда, ўз мавқеини қўшади. Ҳозирги кунда юзлаб аудиторлик компаниялари аудиторлик текширувини ўтказиш методикасига эга, лекин умумтан олинган етакчилар бор-йўғи тўртта. Ушбу компаниялар «Катта тўртлик» номи билан танилган бўлиб, улар таркибига Pricewaterhouse Coopers, Deloitte, KPMG ва Ernst & Young компаниялари киради. Хўш, нима сабабли ушбу тўрт компания бошқа аудиторлик компанияларидан кескин фарқ қилади? Бизнингча, бунинг икки сабаби бор: биринчидан, бу кўп йиллик тажриба ва орттирилган мавқеи; иккинчидан, бу компанияларнинг ходимлари сони.

«Катта тўртлик» компанияларининг бизнес мавқеи ўн йиллар давомида шаклланган бўлиб, баъзиларининг тарихи бир ярим асрга бориб тақалади. Pricewaterhouse Coopers компанияси ўзининг асосий маҳсулотларидан бири обрў-эътибори эканлигини чуқур англаган ҳолда, «Оскар» мукофотига номзодлар ҳисобини юритиш бўйича буюртмани қўлга киритди ва бу билан аудит методикаларининг янги бозорини очиб берди. Дунёдаги юзлаб аудиторлик компаниялари ҳам «Катта тўртлик» компанияларидан ёмонроқ ҳулоса беришади деб бўлмайди, лекин кўпчилик мижозлар уларнинг мавқеи учун кўпроқ ҳақ тўлашга рози бўлишади.

Шундай тўхтамга келиш мумкинки, «Катта тўртлик» компанияларининг ҳар бири бўйича ҳисобланган гудвилл суммаси бир неча миллиард долларни ташкил этиши муқаррар.

Одатда, учинчи томонлар олдида ўз имиджини яхшилашга уринган корхоналар қуйидаги ҳолларда бундай компанияларга аудитни буюртма қилишади:

1. Халқаро фонд бозорларига чиқиш;
2. Тўғри инвестицияларни жалб қилиш;
3. Янги ҳамкорлар билан яқин алоқалар ўрнатиш;
4. Давлат тендерларида иштирок этиш;
5. Янги бозорларга чиқиш ва ҳ.к.

«Катта тўртлик» компанияларининг мавқеи бундай буюртмаларни олишга имкон беради. Бунда компания мавқеининг ўзига хос доиравий айланиши тўғрисида фикр юритиш мумкин. Йирик трансмиллий компаниялар «Катта тўртлик» компанияларининг мижозлари рўйхатидан жой олиши билан уларнинг мавқеини оширади, бу эса янада кўпроқ мижоз орттириш имконини беради. Аудиторлик компаниялари ўз мавқеини ўзининг «кичик» бюджетли мижозларига ўтказади. Аудиторлик компаниясининг ходимлари ишдан бўшаганда компания мавқеининг бир қисмини ўзлари билан олиб кетишади. Ушбу доиравий айланишда, албатта сифатли текширув шарти билан, компания мавқеи «эскирмайди» ва «амортизацияланмайди».

Аммо, учинчи томонлар кутадиган мустақиллик ва объективлик принципларидан ҳар қандай оғишишлар оқибатида аудиторлик компаниялари мавқеига катта путур етиши ҳам ҳеч гап эмас. Буни тасдиқлаш учун «Катта тўртлик» компанияларига қарши бутун дунё бўйича берилаётган суд даъволарини келтириб ўтиш kifоя.

Бундан ташқари, «Катта тўртлик» компаниялари ўртасида фарқланишнинг тобора камайиб бориши сезилмоқда. Бунда ҳар бир мижоз учун кескин кураш кетишини кузатиш мумкин. Масалан, йирик трансмиллий компаниялар тендер асосида аудиторлик компаниясини танлаши мумкин. Чунки, кўпчилик компаниялар учун айнан айнан PricewaterhouseCoopers ёки Deloitte нинг эмас, балки «Катта тўртлик» компанияларидан бирининг хулосаси керак.

Халқаро аудиторлик ташкилотларининг фаолияти¹³

№	Халқаро аудиторлик ташкилотининг номи	Ялпи тушум 2012 йил (млрд. долл.)	2012 йилда мутахассислар сони
1.	PricewaterhouseCoopers	31,5	180 500
2.	Deloitte	31,3	193000
3.	Ernst & Young	24,4	167 000
4.	KPMG	23	145 000

2001 йил август ойида Россия Федерацияси президенти томонидан “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун имзоланди ва Россиядаги “қонунсиз” аудиторлик фаолиятининг 14 йиллик ривожланиши тугади.

Ушбу даврни таҳлил қилар эканмиз, шунини айтиш керакки, норматив бошқариш тизими асосида амал қилиб келаётган аудиторлик фаолияти аудиторлик касбининг Россияда ва халқаро миқёсда бошланғич ривожланишини етарли даражада таъминлади.

Биринчи “аудит” тушунчаси собиқ Иттифок Министрлар Кенгашининг 13.01.1987 йилдаги № 47 Фармонида келтириб ўтилган бўлиб, унда “қўшма корхоналарда солиқ солиш тўғрилигини аниқлашда, уларнинг молия-хўжалик ва тижорат фаолиятларини текшириш” лозимлиги кўриб чиқилган.

Беш йил мобайнида бир нечта фармонлар асосида тартибга солиниши оқибатида аудиторлик фаолияти ривожланди. 1992 йилда Россия Федерациясининг Юқори Кенгаши томонидан икки ўқишда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси қабул қилинди. Лекин шу пайт юзага келган сиёсий инқироз оқибатида Қонун Президент томонидан тасдиқланмай қолиб кетди.

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1993 йилда Президент қарори асосида “Россия Федерациясидаги аудиторлик фаолиятининг вақтинчалик қоидалари” амал қила бошлади ва унинг амал қилиши саккиз йилга чўзилиб кетди.

1995 йилдан бошлаб аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун устида ишлаш янгидан бошланди ва жуда секин - 5 йил давом этди. Бу вақт мобайнида аудит мустақамланиб, йирик аудиторлик фирмалари вужудга келди, давлат молия органларининг уларни тартибга солиш талаби юзага кела бошлади, аудиторлик текширувларини ўтказиш қоидалари ишлаб чиқиладиган бўлди.

1999 йил ўрталарида давлат молия тизими асосида тайёрланган қонун лойиҳаси ҳеч қанақа муҳокамасиз ва ҳеч кимнинг ташаббусисиз яна 2 та мавҳум лойиҳалар билан биргаликда Давлат Думасида эди.

Қонун устида ишлаш фақат, у келгусида давлатнинг иқтисодий дастурлари ривожланишида муҳим деб саналган ҳужжатлар таркибига киритилгандан кейингина жадаллашди. 2000 йил апрелда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Россия аудиторлар касбдошлари (мутахассислар) ва аудиторлар ҳамда консультантлар миллий Федерация бирлашмалари томонидан кўтарилган қонун муҳокамаси бутун Россия Федерацияси бўйича давом этди. Улар аудиторлик ташкилотлари ва турли аудиторлик қатламларининг фикр-мулоҳазаларини йиғиб боришди. Улар томонидан йиғиб борилаётган фикрлар, таклиф-мулоҳазалар ва маълумотлар интернет сайтларида бевосита ёритилиб бориларди: <http://www.rka.org.ru/> ва <http://www.nfca.ru/>. Ушбу сайтларда, шунингдек, юқоридаги 2 та бирлашманинг (РАК) ва (АКМФ), муҳокамасида бўлаётган қонун лойиҳасига ўзгартишлар ва тузатишлар киритиш устидаги ишлари кузатилиб бориларди.

Қонун лойиҳасига киритилаётган тузатишларни умумлаштириш мақсадида, Давлат Думаси қошида 200 кишидан иборат Экспертлар Кенгаши ташкил этилди. Лекин улар бирор марта ҳам тўлиқлигича йиғилишмади. Амалдаги аудиторлар ва аудиторлик бирлашмалари вакиллари эса, ушбу

орган фаолиятига жалб қилинмас эди. Оқибатда, қонун лойиҳаси юзасидан вужудга келган таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинмай қолиб кетди.

Россия аудиторлар касбдошлари (мутахассислар) ва аудиторлар ҳамда консультантлар миллий Федерация бирлашмалари томонидан “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунни қайта ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тушди. Ушбу Қонунда кўплаб камчиликлар мавжуд эди. Ушбу Қонун Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексига, Федерал қонунларга ва бошқа норматив ҳужжатларга зид эди. Шу билан бирга, Қонунда Россия Федерацияси Президенти томонидан берилган № ПР-1160,07.06.2000 йилдаги хулосасидаги айрим огоҳ-лантиришлар ҳам инобатга олинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, Қонун лойиҳаси бутун жаҳон қабул қилган мустақиллик ва конфиденциаллик тамойилларига зид келишини ҳам айтиб ўтиш лозим.

2001 йилнинг 13 июлда баҳорги сессияларидан бирида, Давлат Думаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Федерал Қонунни қабул қилди. 20 июлда Қонун муҳокамаси Федерация Кенгашидан ўтди ва 7 августда Россия Федерацияси Президенти томонидан имзоланди. 2001 йил 9 августда эса “Россия газетаси” да Қонун расман босиб чиқарилди.

Қонуннинг қабул қилиниши давлатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Босилиб чиққандан сўнг, энди унинг позитив томонлари кўрина бошланди.

Шунга қарамасдан, Қонунга айрим тузатишлар ва аниқликлар киритиш талаб этилади, бу эса Россиядаги мустақил аудиторлик институтларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиши аниқ.

Қонуннинг камчиликларига тўхтаб ўтадиган бўлсак:

1) Қонуннинг қабул қилиниши чўзилиб кетиши аудиторлик фаолияти тамойилларининг маънавий эскиришига олиб келди. Бу вақт мобайнида кўпгина режалар ўзгарди. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг Халқаро Стандартларига ўтиш дастури қабул қилинди, Россия Бутунжаҳон Савдо

Ташкилотига аъзо бўлишлилигини эълон килди. Шунинг учун, Қонунга керакли концептуал тузатишлар киритиш зарур бўлиб қолди;

2) Қонунда иккита - “аудит” ва “аудиторлик фаолияти” атамалари аралаштириб юборилган ва услубий жиҳатдан нотўғри ёндашилган. Булар ўз бошқарув механизмларига эга ва бутунлай турли иқтисодий тушунчалардир.

Аудит – бу молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида ўтказилган мустақил текширувдир.

Аудиторлик фаолияти эса – бу аудит текширувини ўтказишнинг тадбиркорлик фаолиятларидан бири.

3) Қонунда Федерал орган томонидан тасдиқланган аудиторлик стандартлари, қоидаларини қўллаш талаб этилган. Аудит ишини режалаштириш ва ҳужжатлаштиришда, аудиторлик ҳисоботини тайёрлашда ва аудиторлик хулосасини тақдим этишда ҳам Федерал орган томонидан тасдиқланган аудит стандартларини қўллаш талаб этилган. Бу Қонунда аудит фаолиятини олиб боришда аудиторлик иш усулларини мустақил танлаш тамойили мавжуд эмас. Шунингдек, Федерал орган томонидан тасдиқланган қоидаларни қўллаш оқибатида, аудитор ёки мижозга етказилган зарар Федерал орган жавобгарлигига ўтказилиши келтирилмаган;

4) Федерал орган томонидан тасдиқланган аудиторлик фаолияти стандартлари, қоидалари Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси томонидан қабул қилинган ва кўпгина жаҳон мамлакатларида қўллаш тавсия қилинган Халқаро Аудиторлик Стандартлари билан бир қанча тафовутлар мавжуд.

Федерал орган тасдиқлаган стандартларни қўллаш мажбурлиги, Россия аудиторларининг чет эл корхоналари, қўшма корхоналарни аудит текширувини ўтказишни чеклаб қўяди. Оқибатда, чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар чет эл аудиторлик компанияларига мурожаат қилишга мажбур бўлиб қолишади. Сабаби, улар халқаро нормалар доирасида иш олиб боришади.

5) Федерал орган томонидан ишлаб чиқилган аудиторлик стандартларини қўллаш мажбурлигига эга Қонун нормалари “Алоҳида

фаолият турларини лицензиялаш ҳақида”ги Россия Федерациясининг қонуни моддаларига зид келади. Чунки унда қўшимча лицензия олиш талаблари келтирилган бўлиб, “Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш ҳақида”ги Россия Федерациясининг қонунининг моддаларини инкор этади.

6) Қонунда Россия аудиторлик стандартлари билан Халқаро Аудиторлик Стандартлари ўртасида ўзаро тафовут муаммоси ҳали ҳам жавобсиз қолмоқда. Чунки Россия иқтисодиёти чет эл инвестицияси оқими билан қамбарчас боғлиқ.

3.2. Профессионал хизматларнинг аудиторлик ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларини оширишдаги ўрни

Аудиторлик хизматлари ривожининг ҳуқуқий томонларига чуқур урғу бермасдан, уларнинг амалий тақомили учун хизмат турларига ҳам изоҳ берсак ва уларда юзага келаётган муаммоларга батафсилроқ тқхталсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аудиторларнинг амалда бажараётган хизматларининг моҳиятини таҳлил қилиш, уларнинг энг муҳим турларини фарқлаш, тасниф этиш ва тадқиқ қилиш имконини берди. Хусусан, қуйидаги хизмат турлари тадқиқ этилди:

- Экспресс таҳлил, обзор тарзида текшириш, молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; молия, солиқ, банк ва хўжалик қонунлари хусусида маслаҳат бериш;
- ҳисоблаш-таҳлилий ишларни автоматлаштириш;
- солиқни режалаштириш ва солиққа тортишни мақбуллаштириш;
- прогнозлар тузиш, техник-иқтисодий асослар ва бизнес режалар тузиш;
- ғарб махсус адабиётини таржима қилиш, амалдаги иқтисодий қонунлардан нусха олиб кўпайтириш, аудит, ҳисоб ва таҳлилга оид ўз ўқув қўлланмаларини яратиш;

- аудиторлик ташкилоти фаолиятининг йўналишлари бўйича бошқа хизматлар кўрсатиш (тахририят ва ноширлик хизмати, меъёрий маълумотнома ва услубиёт адабиётларини тарқатиш ва бошқалар);

- мижознинг активлари ва пассивларини баҳолаш, инвестиция, лойиҳаларини баҳолаш ва уларни асослаб бериш;

- даромадлар ва бошқалар тўғрисида декларация тузиш;
- бозорни маркетинг тадқиқи;
- юридик хизматлар, таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни рқйхатдан ўтказиш, корхоналарни тугатиш;

- ққитиш-маслаҳат хизмати, кадрларни тайёрлаш (ўз фаолияти соҳасида, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби асосларидан таълим бериш) ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда Ўзбекистон молиявий хизматлар бозорида фаолият кўрсатаётган жами (маҳаллий, халқаро, қўшма) аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 14.02.2001 йил 19-сон буйруғи билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари» номли 90-сон Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти(АФМС)нинг 3-параграф - «Касбга доир хизматлар рқйхати»га асосан касбга доир хизматларни кўрсатишлари мумкин бўлади.

Ушбу хизматларга қуйидагилар киради:

а) бухгалтерия ҳисобини йўлга ққйиш, тиклаш ва юритиш:

- бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш;
- молиявий ҳисобни ташкил этиш, тиклаш ва юритиш;
- бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш (компьютерлаштириш);
- бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш билан боғлиқ бошқа хизматлар;

б) молиявий ҳисобот тузиш;

в) миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларига ўтказиш;

г) хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили:

- молиявий ҳолат таҳлили;
- ликвидлилик таҳлили;
- тўловга қобиллик таҳлили;
- молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили билан боғлиқ бошқа

хизматлар;

д) бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молиявий-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг:

➤ техник-иқтисодий асосланмалар (ТИА) тайёрлаш, инвестиция лойиҳалари ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари бўйича маслаҳатлар;
- молиявий менежмент бўйича маслаҳатлар;
- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- унумдорлик ва самарадорликни баҳолаш мақсадида хўжалик

юритувчи субъект фаолият юритишининг таомиллари ва усуллари таҳлили;

➤ молиявий-хўжалик фаолияти соҳасида бошқа консалтинг хизматлари;

е) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларациялар тузиш:

- солиқ ҳисобини ташкил этиш ва юритиш;
- солиқ органларининг текширув далолатномалари бўйича эътирозлар

тайёрлаш;

➤ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларациялар тузиш;

- солиқ ҳисоби ва солиқ солиш билан боғлиқ бошқа хизматлар;

г) бошқа хизматлар:

➤ аудиторлик фаолияти билан боғлиқ соҳада тадқиқотлар, семинарлар, анжуманлар, ишланмалар ўтказиш ва уларнинг натижаларини, шу жумладан босма кўринишда, тарқатиш;

➤ бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили ва солиқ солиш бўйича белгиланган тартибда ққув қўлланмалари, ққув-услугий материаллар тайёрлаш.

Бизнингча, юқоридаги чизма ва таркибни янада такомиллаштириш лозим, яъни, келтирилган профессионал хизматлар рқйхатини кенгайтириш ёки тўлдириш мумкин, аммо, уларнинг ҳозирги ҳолати ҳам аудиторлик ташкилотлар таклиф қилаётган хизматларнинг қанчалик хилма-хил эканлигини кўрсатмоқда.

Илмий тадқиқотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Республикамиздаги маҳаллий аудиторлик ташкилотлари ҳам бизнинг нуқтаи назардан, қуйидаги хизмат турларини кўрсатишлари мумкин деган таклиф бермоқчимиз:

- ✓ Информацион технология борасидаги хизматлар;
- ✓ Иқтисодий ривожланиш ва стратегик ривожланиш соҳасидаги хизматлар;
- ✓ Баҳолаш хизмати;
- ✓ Бошқа хизматлар.

Уларга тўлиқроқ изоҳ бериш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Лекин, юқоридаги хизматларни хизматлар рқйхатига киритиш учун амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу хизмат турлари барча иқтисоди ривожланган мамлакатларда аллақачон ҳуқуқий томондан мустаҳкамлаб ққйилган.

Ўзбекистон молиявий хизматлар бозорида аудиторлик хизматлари кўрсатувчилари сони кундан кунга ошиб бормоқда. Айтиш мумкинки, улар янги барқарор ҳолатга қтиб боришмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг жуда тез суръатларда чуқурлаштирилиши таъкидлаш жоизки, ривожланишнинг тезлашувига сабаб бўлмоқда. Олти ой муқаддам биринчи марта беш йил ичида аудиторлик фаолиятининг жадал ривожланиши кузатилган. Янги кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бу бизнинг Республикамизда тасодифий

ҳолат эмас. Чунки, меъёрий-ҳукукий база тубдан янгиланди, янги-янги кичик ва катта бизнес субъектлари яратилди, банклар ва инвестицион компаниялар ташкил топди. Қз навбатида, уларнинг ҳақиқий ҳамкори-аудиторлик ташкилотлари ҳам тараққиётга юз тутди. Энди, аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар олдида ўз фаолиятларини янада кенгайтириш, хизмат турларини кўпайтириш, профессионал тайёргарликни кучайтириш, айтиш мумкинки, сондан-сифатга қараб юзланиш вазифаси қўйилди. Улар охириги йилларда ўз бизнесларини 2 ҳисса оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Динамикаси ривожланаётган ташкилотлар салмоғи жами қатнашувчилар рейтингда икки баробарга камайди.

Лекин, маҳаллий 24та аудиторлик ташкилотлари ўз тушумининг йиллик 50 %га ортганини тасдиқлайди. Аудит ташкилотларининг жадал ривожланиши ушбу тараққиётнинг олға тортувчи кучнинг ўзгариши билан изоҳланади. Энди бу борадаги кучнинг ўзгариши аудиторлик ташкилотларининг стратегиясининг ўзгариши билан аниқланади.

Биринчидан, йил давомида аудиторлик ташкилотлари ўз филиалларини вилоятларда очишлари лозим эди. Бироқ, фақат пойтахтда фаолият юритаётган ташкилотлар ўз филиалларини вилоятлар бўйича ташкил этдилар. Қтган йилга нисбатан 12та ташкилот филиаллари сони 40тага етди. Уларнинг ташкил этилиши 10 % мутахассисларнинг ошишига сабаб бўлди. Лекин, буни қониқарли ҳолат деб бўлмайди.

Аммо, иккинчидан, аудиторлик тушумида йирик буюртмаларнинг салмоғи кўпайди. Бу кўпроқ аудиторларнинг халқаро тармоғининг кенгайишига ўз хиссасини қўшди. Уларга кўрсатиладиган хизматнинг баҳоси ҳам оддий молиявий хизматлар бозоридаги қрточа баҳодан анча юқорини ташкил этди. Айтиш мумкинки, аудиторлик-консалтинг ташкилотлари гуруҳларида фаолиятнинг самарадорлигини ошганлиги кузатилди (ҳар бир ходимга тўғри келган йиллик қрточа тушум молиявий хизматлар бозорида 10 %га ошди).

Учинчидан, аудиторлик компанияларининг бошқа йўналишлардаги фаолиятларини ривожлантирилиши ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Булар асосан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) ва информацион технология соҳасидаги хизматлардан иборат бўлди. Ушбу йўналишнинг умумий хизматлар ҳажмига нисбатан улуши охирги беш йил ичида 2-3 марта ортди. Бошқача айтганда, соҳадаги бу янгилик ҳозирча жамият ривожини учун ўз самарасини бермайди.

Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтинги катор йиллардан бери ўтказилиб келинаёпти. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтинги баҳосини ўтказиш бўйича низомда (Аудиторлар палатаси ҳамда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси томонидан 18.04.2006 йилда 23, 99а-сон билан тасдиқланган) аудиторлик ташкилотларининг рейтингда ҳар йили мажбурий иштирок этиши назарда тутилганлиги ҳисобга олинса, уни баҳолаш услубияти масаласи қанчалик долзарблиги кўзга ташланади.

Анъанага кўра рейтинг аудиторлик ташкилотлари лицензиясининг турига боғлиқ ҳолда тўрт гуруҳ бўйича ўтказилади: барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказувчилар (1-гуруҳ); ҚҚ туридаги, барча хўжалик юритувчи субъектларда текширувларни ўтказувчилар (1М гуруҳи); хўжалик юритувчи субъектларда ташаббус тарзидаги ва мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказувчилар (2-гуруҳ); хўжалик юритувчи субъектларда фақат ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларини ўтказувчилар (3-гуруҳ).

Рейтинг тузиш чоғида қуйидаги омиллар мажмуи баҳоланади: фаолиятнинг молиявий кўрсаткичлари, ишбилармонлик фаоллиги, корпоратив салоҳияти. 2013 йилда аудиторлик ташкилоти фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари 40%, ишбилармонлик фаоллиги – 30%, корпоратив салоҳияти 30% деб баҳоланган.

Чунончи, таклиф этилган кўрсаткичларнинг салмоғини Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган аудиторлар ўртасида овоз бериш йўли билан

тасдиқлаш мақсадида «AUDITREYTING» Жамоатчилик кенгашининг иккинчи йиғилиши ташкил этилган, у 2013 йил 24 декабрда ўтказилган, унда 2014 йилги рейтинг кўрсаткичларининг салмоғини аниқлаш масалалари кўрилиб, аудиторлик ташкилоти уни ўтказиш учун тақдим этадиган ҳужжатларнинг рўйхати тасдиқланган. Таклифнома жамоат ташкилотлари аъзоси бўлган аудиторлик ташкилотларига юборилган.

«AUDITREYTING» МЧЖ Жамоатчилик кенгаши бир қатор аудиторлик ташкилотлари иштирокида 2013 йил якунлари юзасидан аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтинги услубияти концепциясини кўриб чиққан. Унинг муҳокамаси давомида аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолайдиган омиллар ва кўрсаткичлар қайд этилган. Саккизта аудиторлик ташкилоти вакиллари ва Жамоатчилик кенгашининг еттита аъзоси омиллар ва кўрсаткичлар салмоғининг рақамли миқдорини беришган. Кўрсаткичларнинг салмоғи бўйича маълумотларга ишлов бериш натижасида муҳокама учун уларнинг икки варианты тақдим этилган (биринчи вариантда – кўрсаткич салмоғининг ўртача қиймати ҳисобланган, иккинчи вариантда тузатиш киритишни ҳисобга олган ҳолда салмоқнинг энг катта ва энг кичик қийматлари ҳисобланган, сўнгра ўртача кўрсаткич ҳисобланган). Аудиторлик ташкилотлари фаолиятига баҳо беришнинг асосий концепцияси бундан олдинги йиғилишда бир овоздан тасдиқланганлигини ҳисобга олган ҳолда, овоз берувчилар рейтинг салмоғини ҳисоблашнинг биринчи ва иккинчи вариантлари ўртасида танлаганлар.

Якуний жадвал таклиф ва мулоҳазалар олиш мақсадида барча аудиторлик ташкилотларига юборилган. Ёзма мулоҳазалар фақат иккита аудиторлик ташкилотидан келиб тушган, улар 2013 йил якунлари юзасидан рейтинг тузиш услубиятига «Ишбилармонлик фаоллиги» омилида (30%) баҳолаш сифатини яхшилашга кўмак берадиган қуйидаги ўзгартишларни киритишни таклиф этишган: «Аудит бозорида фаолият муддати (йиллар сони)»ни 2012 йилдаги фаолият натижалари бўйича берилган 21,3% ўрнига омилнинг умумий улушидан 25% этиб баҳолаш тавсия қилинган;

«Аудиторлик ташкилотлари халқаро тармоғига кириш (тармоқ веб-сайтининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда)»ни 21,3% ўрнига 20% этиб баҳолаш таклиф этилган; «Ташкилот банк сертификатининг мавжудлиги»ни 10,6% ўрнига 3,2%; «Корпоратив веб-сайтнинг мавжудлиги ва унинг тутиб турилиши»ни 6,4% ўрнига 15% деб баҳолаш таклиф этилган.

Рейтингдан «МВ ва ДМҚ рўйхатига киритиш» банди олиб ташланди, у ўтган йилги рейтингда аудиторлик компаниясига 10,6% келтириши мумкин эди. «Корпоратив салоҳият» омилида (умумий рейтингнинг 35%и) қуйидаги кўрсаткичлар баҳосига тузатиш киритиш таклиф қилинди: «Жорий йил охирида штатдаги ходимлар сони» – омил умумий улушининг 14%и; «Ҳисобот йили охирида штатдаги сертификатланган аудиторлар сони (тўлиқ ставкада)» – 26% (6,3% ўрнига); Штатда сертификатланган, шу жумладан - ДипИФР сертификатига эга ходимларнинг мавжудлиги – 18% (2012 йил якунлари бўйича рейтингда 6,3%), солиқ маслаҳатчиси сертификатига эга ходимларнинг мавжудлиги – 20% (4,2%) ва ҳоказо (батафсил ахборот қуйидаги жадвалда келтирилган). «Молиявий кўрсаткичлар» омилида (35%) баҳолашнинг учта янги мезони киритилган: «Аудиторлик ташкилоти ўз капиталининг динамикаси», унга омил рейтингининг 10%и берилади, «Соф фойда» – 18% ва «Устав капиталининг рентабеллиги» – 15%.

«AUDITREYTING» МЧЖ Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг 2014 йил январда ўтказилган учинчи йиғилишида Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг рейтингни баҳолаш усулларида норозилигини юзага келтирган масалаларни ҳисобга олишни таклиф этиб профессионал ташкилотларга йўналтирган ММ17-02-32/45-сон хатини ҳисобга олган ҳолда 2013 йил якунларига кўра аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтинги услубияти муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида салмоқнинг қуйидаги рақамли миқдорлари қайд этилган омиллар ва кўрсаткичлар рўйхатини ҳисобга олган ҳолда аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтинги услубиятини тасдиқланди (1-илова).

Мазкур услубият бўйича рейтинг қуйидаги кетма-кетликда ҳисоб-китоб қилинади:

а) аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолайдиган ҳар бир танланган кўрсаткич бўйича унинг йўл қўйиладиган энг кам ва энг кўп қийматлари аниқланади. Ушбу қийматлар тегишинча D_{min} ва D_{max} билан белгиланган эталон қийматларига айланади;

б) аудиторлик ташкилоти R_{pi} кўрсаткичи рейтинг балини қуйидаги шартларга кўра ҳисоб-китоб қилади:

- агар D_i қиймати $D_{min} < D_i < D_{max}$ доирасида бўлса, баллар қуйидаги формула бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$R_{pi} = (D_i - D_{min}) / (D_{max} - D_{min}) \times 100,$$

бу ерда D_i – i -аудиторлик ташкилоти кўрсаткичининг амалдаги қиймати;

- агар $D_i > D_{min}$ бўлса, баллар қуйидаги формула бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$R_{pi} = (D_i - D_{min}) / D_{max} \times 100;$$

- агар $D_i \Rightarrow D_{max}$ бўлса, R_{pi} қиймати = 100;

в) ҳар бир омил бўйича кўрсаткичларнинг салмоғини ҳисобга олган ҳолда баллар тарзида комплекс баҳоланади:

$$R_{fi} = K_{p1} \times R_{p1} + K_{pj} \times R_{pj} + \dots + K_{pp} \times R_{pp},$$

бу ерда R_{fi} – омилнинг рейтинг бали;

K_{pj} – қийматини жамоатчилик кенгаши белгилайдиган j -кўрсаткичнинг салмоғи;

R_{pj} – кўрсаткичнинг рейтинг бали;

г) фаолият рейтингининг якуний комплекс рақамли баҳоси – i -аудиторлик ташкилотининг R_{ki} қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_{ki} = K_{f1} \times R_{f1} + K_{f2} \times R_{fj} + K_{f3} \times R_{fp},$$

Бу K_{fj} – қийматини жамоатчилик кенгаши белгилайдиган j -омил салмоғи;

д) кейинги босқичда аудиторлик ташкилоти фаолиятининг якуний комплекс рақамли баҳоси халқаро амалиётда умумқабул қилинган ҳарfli баҳога айлантирилади.

Price Waterhouse Coopers компаниясининг Россиядаги ҳамкор-бошқарувчиси Майк Кубен Аудиторлар Палатасида сўзлаган нутқида: - «Хорижда машҳур бўлган хизматларга талаб кучаймоқда. Лекин, уларга ҳозирча мамлакатда муҳтожлик сезилмайди. Бунга, энг аввал, бизнес ривожининг барқарорлиги, бизнесни қайта таркиблаш бўйича мустақил молиявий изланишлар йққлиги сабаб бўлмоқда. Энг катта талаб билан фойдаланилаётган хизмат тури бу маҳаллий компанияларнинг халқаро молия-капитал бозорига чиқишида қонунчилик талабларига риоя этилаётганлиги ва ички аудит хизмати ишининг самарадорлигини текшириш билан боғлиқ хизматлардир. Бу тенденциянинг натижасида бизнинг фирмамиз консультантлари сони 3/2 қисмга яъни, 2003 йил 282 дан 2004 йил 410та ходимгача ошишига олиб келди» - деб эътироф этади*. Бозорнинг янги кўзгатувчи кучлари қсиш темпини тезлаштириб юборди. Авваламбор, хизматлар кўрсатиш борасида халқаро тармоқда қатнашувга тайёргарлик айрим сезиларли харажатлар қилишни талаб этади. Бундан ташқари, кўпчилик аудиторлар янги-янги стратегияларни ишлаб чиқишмоқдаки, шунинг ўзи баҳо даражаси бўйича рақобатнинг кучаяётганлигидан далолат беради. Фаолият стратегиясининг биринчи тамойили: сондан сифатга... Шу мақсадда, Ўзбекистонда ҳам сифатли хизмат кўрсатувчи аудиторларни кўпайтириш учун аудиторлар интеграциясининг ички тармоғини яратиш ва уни халқаро тармоққа улаш борасида чуқур тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бизнингча, фақат шундагина маҳаллий аудиторлик ташкилотлари ва унинг аудиторларини бутун жаҳон танийди, улар ҳақидаги ахборотга эга бўлади, улар билан ҳисоблашади. Ҳозирча бу муаммо ҳал қилингани йўқ. Масалан, РФда ва АҚШ ва Буюк Британияда шундай тармоқ мавжуд. Ундан маълумки, йирик аудиторлик ташкилотларининг 1 йил ичида қсиш суръати 56 %гача ошган. Бундан,

халқаро тармоқдагилар россиялик аудиторлик ташкилотларини рейтингини англашди. Лекин, бирлашув қуйидагиларни талаб қилди: Ички фирма стандартларини шарб давлатлариникига яқинроқ ишлаб чиқиш. Бундай ёндашув тизимда анча ўзгартириш киритиш киритишга олиб келди. Шунда йирик ташкилотларининг даромадларининг қсиши 13 %га пасайди, яъни кўшимча харажатлар ҳисобига. Бунда, бизнесга нисбатан фикрлаш, дунёқараш ва нуқтаи назар ўзгарди, чунки, энди аудиторлар нафақат ўз репутациясига балким, энди бутун тармоқ бўйича ахборотларга жавоб бериши керак эди. Айтиш жоизки, бунда аудиторларнинг кўрсатаётган хизматлари бўйича маъсулиятлари ҳам ортди. Ўзбекистонда ривож топаётган барча аудиторлик ташкилотлари ўз стратегиясини ўзгартирмоқда. Улар нафақат ўз хизматларини мамлакат ички бозорида балки яқин орада ташқи халқаро бозорга таклиф этиш режаларини тузишмоқда. Бу албатта семинарли ҳолат. Масалан бундай фирмаларга Ахбор-рейтинг, Одил-Аудит, Агро-таҳлил, Холис-Гуруҳ ва бошқаларни келтириш мумкин. Аниқроқ айтадиган бўлсак 2005 йил май-июн ойларида Жаҳон банки маҳаллий аудит ташкилотларига халқаро лойиҳаларида қатнашиш учун мурожаат этган. Бу борада маҳаллий аудит ташкилотлари халқаро тоифадаги сертификат ва малакага, хорижий фирма ва компанияларда иш тажрибасига эга бўлган мутахассис ва ҳамкорларни ишга таклиф этган эди. Натижада, улар шундай битимларни тузиш бахтига муяссар бўлишди. Шунинг ўзи ҳам маҳаллий аудиторлик ташкилотларининг стратегиясининг истиқболи порлоқ эканидан далолат бериб турибди. Айтиш жоизки, бундай профессионал ходимлар ёрдамида ҳохлаган муҳтож машҳур ва йирик мижозларга ҳохлаган хизмат турини кўрсатиш имконияти яратилади ва бундай хизматчиларга юқори ҳақ тўлашга тўғри келади.

III боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг 3-бобида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Ўзбекистон молиявий хизматлар бозорида аудиторлик хизматлари кўрсатувчилари сони кундан кунга ошиб бормоқда. Айтиш мумкинки, улар янги барқарор ҳолатга қтиб боришмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг жуда тез суръатларда чуқурлаштирилиши таъкидлаш жоизки, ривожланишнинг тезлашувига сабаб бўлмоқда. Олти ой муқаддам биринчи марта беш йил ичида аудиторлик фаолиятининг жадал ривожланиши кузатилган. Янги кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бу бизнинг Республикамизда тасодифий ҳолат эмас. Чунки, меъёрий-ҳуқуқий база тубдан янгиланди, янги-янги кичик ва крта бизнес субъектлари яратилди, банклар ва инвестицион компаниялар ташкил топди.

Ўз навбатида, уларнинг ҳақиқий ҳамкори-аудиторлик ташкилотлари ҳам таракқиётга юз тутди. Энди, аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар олдида ўз фаолиятларини янада кенгайтириш, хизмат турларини кўпайтириш, профессионал тайёргарликни кучайтириш, айтиш мумкинки, сондан-сифатга қараб юзланиш вазифаси ққйилди. Улар охирги йилларда ўз бизнесларини 2 ҳисса оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Динамикаси ривожланаётган ташкилотлар салмоғи жами қатнашувчилар рейтингда икки баробарга камайди.

Хулоса

Мамлакатимизда ҳозирги кунда нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки аудиторлик хизматларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб қоидаларини соддалаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2005 йил 1 октябрдан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия чекланмаган муддатга бериладиган бўлди.

2007 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” ПК-615-сон қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда Республикада аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний-ҳуқуқий база шакллантирилгани, уни фаол ривожлантириш учун амалий-иқтисодий рағбатлар ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар яратилганлиги, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилгани ва либераллаштирилганлиги қайд этилган. Шу билан бир қаторда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора тадбирлар суства баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилаётганлиги, аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермаслиги, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўла олмаётганлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг юқоридаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усулларини қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга

нисбатан ишончни ошириш мақсадида “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом аудиторлик ташкилотларини ташкил этишнинг лицензия талаблари ва шартларини ҳам белгилайди.

Ушбу Низомга мувофиқ, аудиторлик ташкилотларини ташкил этишда уларнинг мижоз олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, шунингдек, аудиторлик текширувларининг сифатини ошириш мақсадида бир қатор шартлар белгилаб қўйилган.

Бундай шартларнинг белгиланиши аудиторлик ташкилотларининг сифатсиз аудиторлик текшируви ўтказиши натижасида мижоз корхонага келтирган зарари учун ўз мулки билан жавоб беришини таъминлайди ва уларнинг мижоз олдидаги масъулиятини оширади.

Республикамизда аудиторлик фаолиятини янада фаол ривожлантириш, аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш учун қуйидагилар чоратadbирларни бажариш тавсия этилади ва уни такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар мақсадга мувофиқдир:

1. 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 – сонли Президент қарорида кўзда тутилган чораларни амалга оширилишини қуйидагилар орқали таъминлаш: аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилишини жадаллаштириш; аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини ҳар уч йилда аттестациядан ўтказиб туриш; аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия талаблари ва шартларига амал қилишини ўрнатилган муддатларда текшириш ўтказишни таъминлаш; аудиторлик ташкилотлари рейтингини ташкил этиш; аудиторлар иш сифатини назорат қилишни таъминлаш лозим;

2. Рейтинг иқтисодиёт реал секторининг бозор механизмларини жонлантириш воситасига айлантирилмоқда ва унга хорижий инвесторлар ва жаҳон иқтисодий ҳамжамияти ижобий муносабат билдиради.

Рейтинг конкрет корхоналар тўғрисидаги ҳаммабоп ахборот манбаи бўлиб, қарор қабул қилишнинг муҳим воситасидир. Чунки, у тадбиркорга саноатнинг тараккий этиш йўналишини, ишбилармонликнинг жонланишини ҳамда фойда олиш имкониятларини ҳам кўрсатиб беради.

3. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш “Аудит-рейтинг” ташкилоти томонидан ўтказилади. Бизнингча рейтинг — иқтисодий субъектнинг (банк ёки корхона) шундай кўрсаткичи ҳисобланадики, бу иқтисодий субъект фаолиятининг молиявий тахлили натижасида белгиланган иқтисодий кўрсаткичидир.

Корхона фаолиятидан ахборот берувчи манба сифатида фойдаланиш мумкин, шунинг учун рейтинг балларини ҳисоблашда адашиш ёки хатоликка йўл қўймаслик зарур.

Аудиторлик текшируви, профессионал ва бошқа молиявий хизматларнинг қиёсий тахлили шуни кўрсатмоқдаки, танлашдаги устунлик яна рейтинг индексларида қолмоқда. Айнан улар аудиторлик шартномасини имзолашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, бу механизмнинг ишга тушиши билан эркин рақобат муҳити яратилади, адолатли иш ҳақини ўрнатишга рағбат шаклланади, аудиторлик ташкилотлари ўртасида манфаатдорлик ва унинг ҳимояси кучаяди.

Таъкидлаш жоизки, барча рейтингни аниқлаш методикасининг асосида молиявий, статистик ва бошқа ахборотларни ўрганиб, уни йирик ҳажмли таҳлил қилиш ва бунда таҳлилий амаллардан фойдаланиш ишлари ётади. Натижада, унинг қатнашувчилари бўйича тегишли хулосалар чиқариш имконияти яратилади. Бундан ташқари, ушбу тартиб аудиторлик ташкилотини демпинг сиёсатини қўлламасликка, профессионал ташкилотлар аъзоси бўлишга, пухта ва ошқора ишлашга, ўз ходимларини қадрлашга, ўз фаолиятини диверсификациялашга қизиқтириш мақсадини ҳам кўзлайди.

4. Фикримизча, аудиторлик ташкилотларининг рейтингни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинishi керак:

- Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматларининг соҳалар бўйича динамикаси;
- аудиторлик хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг асосий кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси;

• аудиторлик ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги салмоғи;

• аудиторлик ташкилотларининг маҳаллий бозори таркиби;

• мижозлар томонидан аудиторлик ташкилотларини танлашга таъсир этувчи омиллар ва ҳ.к.лар.

Рейтинг натижаларини таҳлил қилиш молиявий хизматлар бозорида аудитнинг янги турларини кашф қилишга, аудит соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш ва унинг жадаллик билан ривожланишига ёрдам беради.

5. Аудит бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўла олиши учун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида, шунингдек, қўшимча консалтинг хизматларини кўрсатишда, корхонанинг самарадорлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш услубиётини такомиллаштириш лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек илмий тадқиқотларимиз натижасининг тадбиқ қилиниши, Республикамизда аудиторлик фаолиятини келажакда ривожлантиришга ва унинг истиқболини белгилашга, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри баҳолашга, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг ишончли, холисона ва мустақил аудиторлик текширувидан ўтказилишини таъминлашга ҳамда аудиторлик хизматининг сифатли ўтказилишини рағбатлантиришга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

I.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни, 2000 йил, 77-II-сон
6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2008 йил 26 сентябр.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ–615-сонли Қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–907-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-1529-сон Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош махсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкани зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли Қарори;

I.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.
18. «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361).

II. Президент И.А. Каримов асарлари

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
20. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.
21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
22. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т. Ўзбекистон. 2011.
23. Каримов И. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2012.
24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
25. Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 64 бет.

III. Илмий монография, ўқув кўлланма ва дарсликлар

26. Арабян К.К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 447 с
27. Балабанов И.Т. Анализ и планирование финансов хозяйствующего субъекта. –М.: Финансы и статистика, 2004 г. 144 с.
28. Белоцерковский В.И. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебное пособие. - М.: "Экономика", 2005. - 294 стр.
29. Бочкарева И.И. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. –М.: Проспект, 2006. 776 стр.
30. Булыга Р.П. Аудит: учебник для бакалавров. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 431 с.
31. Воронина Л. И. Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: Омега-Л, 2011. 680 стр.
32. Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): Учебное пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2005. - 100 стр.
33. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности. Учебник. –М.: Дело и Сервис, 2005. 366 стр.
34. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.
35. Емельянов А.М. Общий аудит. -М.: Финансы и статистика, 1997.
36. Ерофеева В. А., Пискунов В. А., Битюкова Т. А. Аудит – М.: Юрайт, 2012. 640 стр
37. Жарыгласова Б.Т. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. - М.: НОРУС, 2005. - 400 стр.
38. Завалишина И. А. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Тошкент.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004. – 439-б.
39. Карагод В. С. Аудит. Теория и практика. –М.: Юрайт, 2012. 672 стр.
40. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2004. 592 б.

41. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. - 240 стр.
42. Макальская М.Л. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: Высшее образование, 2005. 443 стр.
43. Подольский В. И., Савин А.А. Аудит –М.: Юрайт, 2012. 592 стр.
44. Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. – 3-е изд. – М.: Юрайт, 2011. – 605 с.
45. Рогуленко Т.М. Аудит. –М.: Юрайт, 2012. 540 стр.
46. Сафонова М.Ф., Жминько С.И. Практический аудит. –М.: Феникс, 2012. 512 стр.
47. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Теория аудита. –М.: Инфра-М, 2012. 272 стр.
48. Суглобов А. Е., Жарылгасова Б. Т., Савин В.Ю., Бухгалтерский учет и аудит – М.: Титан эффект, 2012. 520 стр.
49. Суйц В.П, Ситникова В.А. Аудит: учебное пособие. - 2-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 168 с.
50. Ситнов А.А. Операционный аудит: теория и организация. Учебное пособие. –М.: Высшее образование, 2011. 240 с.
51. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Практический аудит. –М.: Инфра-М, 2012. 192 стр.
52. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет в зарубежных странах. Учебник. –М.: Проспект, 2005. 664 стр.
53. Сотникова Л.В. Оценка состояния внутреннего аудита: Практическое пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 144 стр.
54. Суйц В.П. Аудит: Общий, банковский, страховой. Учебник для вузов. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 662 стр.
55. Харченко О.Н., Самусенко С.А., Фёрова И.С. Аудит: практикум. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Кнорус, 2010. – 288 с.
56. Хоханова И. И., Хахонова Н. Н., Богатая И. Н. Аудит – М.: Мини Тайп, 2011. 464 стр.

57. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.
58. Эрматов М.К. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. –Т.: «Иқтисод-молия», 2005. 140 бет.
59. Юдина А.В. Основы аудита: учебное пособие. – М.:Кнорус, 2011. – 352 с.Шешукова Т.Г. Аудит: теория и практика применения международных стандартов. Учебное пособие. - М.:»Финансы и статистика», 2005.
60. Курбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитиниг методологик муаммолари. Монография “Фан ва технология” нашриёти, -Т.: 2008. 102-б.
61. Ҳамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005.

IV. Авторефератлар

62. Исроилов Б.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 40 б.
- 63.Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2009. – 34 б.
- 64.Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 36 б.
- 65.Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2007. – 33 б.

V. Хорижий илмий адабиётлар

66. Bernstein. Financial Statement Analysis: Theory, Application, and interpretation, fifth edition 2007, 325p.
67. Roger H. Hermanson James Don Edvards, Michel W. Maher. Accounting a Business Perspective. Sixth edition 2005. 369p.

68. Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Financial Accounting. Miami University Press, 2008. 524p.

VI. Интернет сайтлари

69. <http://www.audit.uz>.
70. <http://www.gov.uz>.
71. <http://www.lex.uz>.
72. <http://www.mf.uz>.
73. <http://www.uza.uz>.

VII. Илмий мақола ва конференция тезислари

74. Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисобида фойдани тақсимлаш хусусидаги маълумотларни шакллантиришнинг услубий муаммолари. Молия. -Тошкент, 2011. -№5-6.
75. Молиявий натижалар шаклланиши ва ҳисобда акс эттирилишига доир концептуал ёндашувлар. Молия. -Тошкент, 2012. -№2.
76. Илҳамов Ш. Ички назорат тизими – аудиторлик текшируви жараёнининг асосий элементи // Молия. – Тошкент, 2010. – №1. 90-92 бетлар.
77. Қўзиёев И. Акциядорлик жамиятларида аудитни режалаштиришнинг сифатини ошириш// Молия. – Тошкент, 2010. – №2. 81-84 бетлар.
78. Каримов А.А. Учет и аудит в системе корпоративного управления // Экономика и финансы. – Москва, 2008. – №5. – С. 63-65.
79. Матрузиев А. Валюта муносабатларини тартибга солиш масалалари// Молия. – Тошкент, 2013. – №5. 61-64 бетлар.

**2013 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотлари фаолияти
рейтингининг омиллари ва кўрсаткичлари рўйхати**

Т/р	Омил ва кўрсаткич номи	2012 йил рейтинги омил ва кўрсаткичлари		2013 йил рейтинги омил ва кўрсаткичлари	
		омиллар салмоғи	кўрсаткичлар салмоғи	омиллар салмоғи	кўрсаткичлар салмоғи
1	Молиявий кўрсаткичлар	40%		35%	
1.1	2013 йилдаги маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) реализациясидан соф тушум		50,0		45,0
1.2	Аввалги йил билан қиёслаганда (2013 й.–2012 й.)/2012 й. %да) аудиторлик хизматларидан тушумнинг ўсиш динамикаси		25,0		12,0
1.3	Аудиторлик ташкилоти хусусий капиталининг миқдори		25,0		-
1.4	Аудиторлик ташкилоти хусусий капиталининг динамикаси		-		10,0
1.5	Соф фойда		-		18,0
1.6	Устав капиталининг рентабеллиги		-		15,0
	Жами		100,0		100,0
2	Ишбилармонлик фаоллиги	30%		30%	
2.1	Аудит бозоридаги фаолият муддати – йиллар сони		21,3		25,0
2.2	Аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоққа кириши (тармоқ веб-сайти номи ва манзили кўрсатилсин)		21,3		20,0
2.3	Аудиторларнинг профессионал жамоа бирлашмасига аъзолиги (аъзолик билети нусхаси)		8,5		15,0
2.4	2011–2013 йиллар мобайнида сифат ташкилоти назоратидан ўтиш (профессионал ташкилот томонидан расмийлаштирилган)		21,3		22,0
2.5	2012 йилда МВ ва ДМҚ рўйхатига кирганлик		10,6		-
2.6	Ташкилотда банк сертификатининг борлиги		10,6		3,0
2.7	Корпоратив веб-сайтининг борлиги ва унинг тутиб турилиши		6,4		15,0
	Жами		100,0		100,0
3	Корпоратив салоҳият	30%		35%	

Т/р	Омил ва кўрсаткич номи	2012 йил рейтинги омил ва кўрсаткичлари		2013 йил рейтинги омил ва кўрсаткичлари	
		омиллар салмоғи	кўрсаткичлар салмоғи	омиллар салмоғи	кўрсаткичлар салмоғи
3.1	Жорий йил охирида штатдаги ходимлар сони		-		14,0
3.2	Ҳисобот йили охирида штатдаги сертификатланган аудиторлар сони (тўлик ставкада)		6,3		26,0
3.3	Куйидагиларга эга бўлган штатдаги сертификатланган аудиторларнинг борлиги (2013 й. таҳр): Штатдаги сертификатланган ходимларнинг борлиги, шу жумладан куйидагиларнинг борлиги (2014 й. таҳр.):		48,0		34,0
3.3.1	CPA сертификатлари (2013); CPA, ACCA ва CPA сертификатлари (2014)		8,3		12,24
3.3.2	ACCA ва CPA сертификатлари (2013)		20,8		-
3.3.3	ДипИФР сертификатлари		6,3		6,12
3.3.4	солиқ маслаҳатчиси сертификатлари		4,2		6,8
3.3.5	SAR сертификатлари		4,2		6,8
3.3.6	қимматли қоғозлар бозори мутахассиси сертификатлари		4,2		2,04
3.4	«Йилнинг энг яхши аудитори» танловида иштирок этганлик, шу жумладан:		25		14,0
3.4.1	1-ўрин		12,5		5,6
3.4.2	2-ўрин		8,33		4,2
3.4.3	3-ўрин		4,17		2,24
3.4.4	2-турда иштирок этиш		-		1,26
3.4.5	1-турдан ўтиш		-		0,7
3.5	Ташкилот раҳбарининг 3 йил мобайнида аттестациядан ўтиши		20,7		12,0
	Жами		100,0		100,0
	Барчаси	100,0%		100,0%	

1-гурухга кирувчи аудиторлик ташкилотлари рейтинги (2013 йил учун)

Т/р	Номи	Рейтинг
1	ООО “KRESTON TASHKENT”	Uz1.A++
2	ООО “FTF-AUDIT”	Uz1.A++
3	ООО “PKF MAK ALYANS”	Uz1.A++
4	ООО ” NAZORAT-AUDIT”	Uz1.A++
5	ООО “TSIAR-FINANS”	Uz1.A++
6	ООО “MARIKON AUDIT”	Uz1.A++
7	ООО “BUXGALTER-AUDIT”	Uz1.A+
8	ООО “GRANT THORNTON”	Uz1.A+
9	ООО “IMPULS AUDIT”	Uz1.A
10	ООО “TTT-AUDIT”	Uz1.A
11	ООО “GLOBAL-AUDIT”	Uz1.A
12	ООО “HLB TASHKENT”	Uz1.A
13	ООО “UHY TASHKENT”	Uz1.B++
14	ООО “AUDIT INCOME”	Uz1.B++
15	ООО “TRI-S-AUDIT”	Uz1.B++
16	ООО “ODIL-AUDIT”	Uz1.B+
17	ООО “KONSAUDITINFORM”	Uz1.B+
18	ООО “Audit-AS”	Uz1.B+
19	ООО “Fineks”	Uz1.B+
20	ООО “HIMOYA-AUDIT”	Uz1.B+
21	ООО “OSIYO-AUDIT”	Uz1.B
22	ООО “BAKER TILLY TASHKENT”	Uz1.B
23	ООО “AVANTAJ-AUDIT”	Uz1.B
24	ЧАП “AUDIT”	Uz1.B
25	ООО “KOMIL-ISHONCH”	Uz1.B
26	ООО “AUDIT-KANON”	Uz1.B
27	ООО “AUDIT-VARN”	Uz1.B
28	ООО “ZIYO-AUDIT”	Uz1.B
29	ООО “QASHQADARYOKONSAUDITINFORM”	Uz1.C++
30	ООО “Kafolat-Lyuks”	Uz1.C++
31	ООО “AUDIT-RUMANS”	Uz1.C++
32	ООО “ERKIN-AUDIT-XXI”	Uz1.C++
33	ООО “Marhamat-audit”	Uz1.C++
34	ООО “KORIFEY-AUDIT”	Uz1.C++
35	ООО “GLORIYA-AUDIT”	Uz1.C++
36	ООО “HOMBUR-AUDIT”	Uz1.C++
37	ООО “SAMIMIY AUDIT”	Uz1.C++
38	ООО “AMULET-AUDIT”	Uz1.C+
39	ООО “ASL-MOLIYA TAXLIL”	Uz1.C+
40	ООО “KAMILA-AZIM AUDIT”	Uz1.C+
41	ООО “PROGRESS AUDIT”	Uz1.C+
42	ООО “DAVR”	Uz1.C+
43	ООО “TRANS-AUDIT-A”	Uz1.C+
44	ООО “XB FINANSE KONSULTING”	Uz1.C+
45	ООО “FIDOYIAUDIT”	Uz1.C+
46	ООО “LEKSAN INFO”	Uz1.C+
47	ООО “DIPLOMAT-AUDIT”	Uz1.C
48	ООО “PROKAR EKSPERT AUDIT”	Uz1.C
49	ООО “JAVLON AUDIT SERVIS”	Uz1.C
50	ООО “AUDIRES”	Uz1.C

51	ООО “PROM AUDIT”	Uz1.C
52	ООО “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK”	Uz1.C
53	ООО “PROMSTROY-AUDIT”	Uz1.C
54	ООО “ЕКОАУДИТ”	Uz1.C
55	ООО “Урганч-Аудит”	Uz1.D++
56	ООО “AUDIT-UMMON”	Uz1.D++
57	ООО “SAM KELAJAK AUDIT”	Uz1.D++
58	ООО “ELITE INVEST RENOME AUDIT”	Uz1.D+
59	ООО “IQTIDOR-AUDIT-INFORM”	Uz1.D+
60	ООО “ADAMAS CONSULTING SERVICE”	Uz1.D+
61	ООО “AUDIT MAXIMA”	Uz1.D+
62	ООО “ZAMIN OIL-AUDIT”	Uz1.D+
63	ООО “NAMANGAN OPTIMAL AUDIT”	Uz1.D
64	ООО “AMIR-AUDIT”	Uz1.D

1М-гuruhга кировчи аудиторлик ташкилотлари рейтинги (2013 йил учун)

T/p	Номи	Рейтинг
1	ООО “PraysvoterxausKupers”	Uz1M.A++
2	ООО “Ernst & Young”	Uz1M.A
3	ООО “Deloitte va Touche”	Uz1M.A